



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ
ПСИХОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**



**“ЎСМИРЛИК ДАВРИДА БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ”
мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: Психология таълим
йўналиши битирувчи 4 курс
талабаси Худойшукуров А. _____
ИЛМИЙ РАХБАР:
Ўқитувчи Шаббазова Д.Р. _____

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_____ сонли баённомаси «___» _____ 201__ йил

Термиз 2016

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

I БОБ Ўсмирлик даврида ўқув фаолияти ва билиш фаоллигини ўрганишнинг назарий асослари

I.1 Ўсмирлик даврининг психологик ва физиологик хусусиятлари.

I.2 Ўсмирлик даврида билиш жараёнлари хусусиятлари

I.3 Ўсмирлик даврида билиш фаоллигини шакллантиришда буюк аждодларимиз илмий қарашларидан фойдаланишнинг аҳамияти

II БОБ Ўқув жараёнида ўсмирларнинг билиш фаоллигини шакллантиришнинг амалий асослари.

II.1 Ўсмирлар билиш фаоллигини ижодий тафаккур билан уйғунлиги.

II.2 Ўсмир ўқувчилар билиш фаоллиги ва иқтидорини ўрганиш усули.

II.3. МАТТ ёрдами ўсмир ўқувчилар билиш фаоллигини диагностика қилиш

III-БОБ Ўсмир ўқувчилар билиш фаоллигини шакллантиришда психологик воситаларни қўллаш

III.1 Ўқув жараёнида мустақил ишлар орқали ўсмирларни билиш фаоллигини шакллаштириш.

III.2 Ўқувчилар билиш фаоллигини ривожлантириш усуллари

Хулоса

Тавсиялар

Фойдаланилган адабиётлар

Илова

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Жамият тараққиётининг муҳим шарти кадрларни тайёрлаш тизимининг мукамал бўлиши, замонавий технологиялар асосида юксалиш билан характерланади. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишда мавжуд таълим ва кадрларни тайёрлаш тизимларини тубдан ўзгартириш замонавий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибаларга, таълим жараёнининг ҳамма босқичларида, узлуксиз таълим тизими, таълим муассасаларининг ҳамма шакл ва турларида илғор методик тажрибаларга асосланган ҳолда амалга оширилади.

Ҳозирги даврда фуқороларнинг онгига мустақиллик, ватанпарварлик, садоқат каби тушунчаларни сингдириш, уларни келажакка ишонч, буюк давлатнинг муносиб фарзандлари қилиб камол топтириш замон талабидир. Шу ўринда бу вазифаларни ўсмирлик даврида ривожлантириш ва уларни таъсир даражасини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаий назардан биз битирув малакавий ишимизда ўсмирлик ёшдаги болалар билиш фаолигининг шаклланиши нималар таъсирида амалга ошишига эътибор бердик.

Ўсмирлик ёшдаги болалар билиш фаоллигини шакллантириш бугунги кун талаблари даражасида мавжуд имкониятлар асосида амалга оширилмоқда. Ёш даврларининг ўзига хос хусусиятлари таркибида ўсмирлик ёш даврда билиш фаоллигини ривожлантириш масаласи алоҳида аҳамиятга эга бўлган муаммолардан биридир. Мавзунинг долзарблиги ҳам шундаки, асосий етакчи фаолияти таълим ва меҳнат ҳисобланган болаларда билишга бўлган қизиқишларини ортириш учун психологияда турли тадқиқотларни ишлаб чиқиш ва мавжудларини модификация қилиш мақсадга мувофиқдир. Бола психик тараққиётида билиш фаоллигини ошириш ва такомиллаштириш бугунги кун долзарб масалаларидан бири сифатида қаралар экан, бизнинг мавзумиз ҳам айна ўсмирлик ёш даврларининг билиш фаоллигини назарий ва амалий тадқиқ этишга қаратилгандир. Яъни “Ўсмирлик даврида билиш фаоллигини шакллантиришнинг психологик хусусиятлари” мавзусини кенг

амалий тадқиқотлар асосида ёритиб бериш ва аниқ ҳулосалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдир.

Ҳозиргача соҳа мутахассисларидан кўпчилиги ўсмирлик ёшдаги болалар билиш фаоллигини ривожланиши ва унинг назарий асосларини қатор қирраларини ўз илмий изланишларида ўрганганлар.

Ўсмирлик ёшдаги ўқувчиларнинг атроф муҳитга ва ўз-ўзига нисбатан ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши асосида билиш фаоллигини ривожланиши масаласи хорижлик психологлар, хусусан, Д.Ж.Пияже, Д.Ельконин, С.Мухина Д.Маэрс, В.Квин, Р.Бейрон, Д.Ричардсон, Ф.Зимбардо ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритиб берилган. Шунингдек, билиш фаоллигини ривожлантириш муаммоси собиқ совет психологларидан Г.Андреева, В.Агеев, А.Донсов, В.Трусов, Т.Емельянова, Л.Петровская, С.Моссоновици, И.Жаспарс каби рус ҳамда француз олимлари томонидан ҳам муайян даражада ўрганилган.

Битирув ишининг мавзуси бугунги кунда долзарб мавзулардан бири бўлиб ҳисобланганлиги учун бир қатор олимларимиз мазкур мавзу юзасидан изланишлар олиб борганлар ва бормоқдалар. Жумладан, профессор Э.Ғ.Ғозиев, Р.Тошимовлар томонидан яратилган «Фаолият ва ҳулқ атвор мотивацияси» услубий қўлланмаси, профессор Э.Ғ.Ғозиев томонида яратилган «Тафаккур психологияси», Ф.Ҳайдаров томонидан яратилган «Ўқув мотивлари» номли ўқув қўлланмалари ўсмирлик даврида билиш фаоллигини шакллантиришга хизмат қилади.

Лекин ўсмирлик ёш давридаги болалар билиш фаоллигини ривожланиши доимий ривожланиш характерига эга бўлганлиги боис ушбу мавзунини тадқиқ этиш ўз долзарблигини йўқотмайди.

Битирув малакавий ишнинг мақсади: Бугунги кунда таълим тизимида ўсмирларнинг билиш фаоллигини ошириш ҳамда уларнинг фаоллигини шакллантиришнинг стратегик мақсадларини аниқлашга ўқув жараёнида тизимлаштирилган ижодий фаоллигини шакллантириш йўллари ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишнинг вазифалари:

- Ўсмир ўқувчиларнинг психологик ва физиологик хусусиятларини ўрганиш;
- Ўсмир ўқувчиларнинг билиш фаоллиги ривожланиши муаммосининг тадқиқот тарихини ўрганиш;
- Ўқув жараёнида билиш фаоллигини шакллантирувчи психологик усуллари аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- Ўсмирларда ўқув фаолиятига таъсир этувчи ижтимоий психологик омиллар ва билиш фаоллигини шакллантиришда буюк мутафаккирлар илмий қарашларининг ахамиятини таҳлил қилиш;
- Ўсмир ўқувчилар билиш фаоллиги хусусиятларини диагностика қилиш воситаларини қўллаш;
- Олинган натижаларни қайта ишлаш ва таҳлиллар асосида илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Биритирув малакавий ишнинг илмий фарази:

- Ўсмирлик даври билиш фаоллигини ривожлантиришда психологик омиллар билан бирга ижтимоий омиллар таъсири асосий эканлиги тасдиқланади;
- Билиш фаоллиги ўсмирлар қизиқишлари ва иқтидорининг қай даражада шаклланишига боғлиқ бўлиши мумкин.

Биритирув малакавий ишнинг предмети. Ўсмирлик даврида билиш фаоллигининг шаклланиш жараёни ва уларнинг фаолликдаги қизиқишлари, иқтидорини назарий ва амалий тадқиқ этиш.

Биритирув малакавий ишнинг объекти. Ўсмирлик даври билиш фаоллигининг шаклланиши жараёни.

Биритирув малакавий ишда қўлланилган методлар. Ўсмир ўқувчилар билиш фаоллигини шакллантиришнинг психологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида қуйидаги методикалар қўлланилди:

- Савол-жавоб – ўсмир ўқувчиларда педагогик жараёнда билиш жараёнларини таркиб топтиришнинг психологик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлари даражасини билиш учун.

- Кузатиш - ўсмир ўқувчиларининг дарс жараёнда билиш фаоллиги хусусиятларининг ўзига хос жиҳатларини кузатиш.

- МАТТ ўқувчиларининг билиш жараёнлари хусусиятларини ўрганиш мақсадида.

- “Ижтимоий хусусиятлар бўйича иқтидорликни аниқлаш усули” ўсмир ўқувчилар иқтидорининг билиш фаоллигига таъсирини ўрганиш мақсадида.

Битирув малакавий ишнинг янгилиги. БМИнинг янгилигини қуйидагилар билан изоҳлаймиз: БМИда биринчи марта ўсмир ўқувчиларида билиш фаоллигини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари уларнинг билиш жараёнлари ривожланганлик даражаси ва ижтимоий хусусиятлар бўйича иқтидорлиги билан боғлаб ўрганилди ва таҳлил қилинди.

Битирув малакавий ишнинг назарий аҳамияти. БМИнинг назарий аҳамияти бевосита унинг илмий янгилиги ва тадқиқот методларининг ишончлилигидан келиб чиқади. Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, унда қўлга киритилган назарий хулосалар ўсмир ўқувчиларида билиш фаоллигини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари ҳақидаги назарий билимларни бойитади.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти. БМИнинг амалий аҳамияти шундаки, ўсмир ўқувчиларида билиш фаоллигини ривожлантиришнинг психологик хусусиятларидаги ўзига хослик тўғрисида хулосалар қилишга асос бўлади. Бундан ташқари, олинган натижалар асосида педагоглар таълим фаолиятида ўсмир ўқувчиларида билиш фаоллигини ривожлантиришнинг психологик хусусиятлари бўйича кўрсатмалар ҳамда тавсиялар берилади.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши. Ушбу БМИ кириш, адабиётлар таҳлили, асосий қисм боблари, уч боб, олтига параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмлардан тузилган.

Ишнинг кириш қисмида БМИ мавзусининг ҳозирги кун нуқтаи назаридан долзарблиги, тадқиқот ишининг предмети, мақсади, вазифалари, БМИда қўлланилган методикалар, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, янгилиги кабилар қисқача баён қилинган.

I-БОБ. ЎСМИРЛИК ДАВРИДА ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ ВА БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

I.1. Ўсмирлик даврининг психологик ва физиологик хусусиятлари

Ўсмирлик даври 10–11, 14–15 ёшни ташкил этади. Кўпчилик ўқувчиларда ўсмирлик ёшига ўтиш асосан 5–синфдан бошланади. Ўсмирлик инсоннинг балоғатга етиш даври бўлиб, ўзига хос хусусияти билан камолотнинг бошқа поғоналаридан кескин фарқланади. Ўсмирда рўй берадиган биологик ўзгаришлар натижасида унинг психик ҳаётида туб бурилиш нуқтаси вужудга келади. Камолотнинг мазкур палласида жисмоний ўсиш ва жинсий етилиш амалга ошади. Боланинг бўйи 11-12 ёшида йилига 6-7 см, хатто 10-см гача ўсиши мумкин. Бироқ бу босқичда кизлар ўғил болаларга қараганда тезроқ ўсадилар. Бу ўсиш 13-14 ёш охирларида ўғил болалар ва кизларда тенглашади. Ўн беш ёшга қадам кўйганда ўғил болалар кизларни ортда қолдириб кетадилар. Шундан кейин то умрининг охиригача ўсишда ўғил болалар устунлик қиладилар. Ўсмирлик даврида бўй билан тана номутаносиб равишда ўсади, натижада болалар ориқ, нимжон ва новча бўлиб кўринадилар. Бўйлари тез ўсганлиги учун кийимлари қисқа вақт ичида қалта бўлиб қолади, бу эса уларнинг руҳиятига қаттиқ таъсир қилади, гўёки атрофдаги одамлар унга қараётгандай, «укасининг кийимини кийиб олгандай» туюлади. Ўсмир ички органларининг ўсишида ҳам шундай номутаносиблик бўлади. Ўпка сиғими катталашади, юрак фаолияти кучаяди, лекин қон томирлари кенгайиши бундан ортда қолади, натижада ўсмир тез чарчайдиган, тезда ранги учадиган, холсизланадиган, боши айланиб, хатто йиқилиб қоладиган бўлади. Тез ўсаётган организм кўпроқ оксил моддаларини, кўпроқ кислородни талаб қилади, буларни эса бола тез ҳаракат қилиш орқалигина олади. Шунинг учун ҳам ўсмирнинг ҳаракатсиз бир ерда туриб қолиши унга қийинчиликлар келтириб чиқаради. Ўсмирнинг синфда, дарс пайтида ҳам ўрnidан туриб кетиши, у ён бу ёнга қараши, қимирлаши, сумкасидан бирор нарсани олиб еб ўтиришининг сабабини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Шунинг учун бу ёшдаги болалар билан машғулот олиб

бораётган ўқитувчи бирмунча «рахмдил, кечиримли, баъзан ўзини кўрмаганга оладиган» ҳам бўлишига тўғри келади.

Мазкур даврда тананинг умумий хажмидан 7-8 фоизини қон ташкил қилади, қон босими бирмунча ошади, симоб устунининг 110-115 мм даражасида бўлади. Юрак қисқаришининг частотаси секинлашади, масалан, 11 ёшда минутига 85-90 марта урса, 14-15 ёшларда 70 мартагача пасаяди. Ўпканинг тириклик сигими қуйидагича бўлади: ўғил болаларда – 11 ёшда 1900-2000 мл, 15 ёшда – 2600 –2700 мл, қизларда – 11 ёшда 1800-1900 мл, 15 ёшда 2500-2600 мл. Шунинг учун нафас олиш ҳар дақиқада 2 марта камаяди. Ўсмирларда ички секреция безлари функцияси ҳам ўзгаради, бу эса жинсий етилишни тезлатади. Марказий нерв тизимида кўзгалувчанлик ўзгаради, натижада яккол ҳис-туйғулар пайдо бўлади. Қалқонсимон без фаолиятининг кучайиши кўзгалувчанлик, асабийлашиш ва толиқишни келтириб чиқаради. Бош мия қобиғида тормозланиш жараёнининг сусайиши шиддатли эмоционал кечинмаларни вужудга келтиради, хулқ-атворда парокандалик, ғайритабiiйлик пайдо бўлади.

«Энди у бола эмас–у, ҳали катта ҳам эмас» - бу формула ўсмирлик даври характерини билдиради. Бу ёшда ўсмир ривожда кескин ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Бу ўзгаришлар физиологик, ҳамда психологик ўзгаришлардир. Физиологик ўзгариш жинсий етилишнинг бошланиши ва бу билан боғлиқ равишда танадаги барча аозоларнинг мукамал ривожланиши ва ўсиши, хужайра ва организм тузилмаларининг қайтадан шакллана бошлашидир. Организмдаги ўзгаришлар бевосита ўсмир эндокрин системасининг ўзгаришлари билан боғлиқдир. Бу даврда ички секреция безларидан бири гипофез безининг функцияси фаоллашади. Унинг фаолияти организм тўқималарининг ўсиши ва муҳим ички секреция безларининг (қалқонсимон без, буйрак ўсиши ва жинсий безлар) ишлашини кучайтиради. Натижада бўй ўсиши тезлашиди, жинсий балоъатга етиш (жинсий органларнинг ривожланиши, иккиламчи жинсий безларнинг пайдо бўлиши) амалга ошади.

Ўсмирлар ўзларини катталардек тутишга ҳаракат қиладилар. Улар ўзларининг лаёқат, қобилият ва имкониятларини маолум даражада ўртоқлари ва ўқитувчиларга кўрсатишга интиладилар. Бу ҳолатни оддий кузатиш йўли билан ҳам осонгина кўриш мумкин. Ўсмирлик ёшига ҳос бўлган психологик хусусиятларни ўргана туриб, ўсмирлар шахсининг шаклланиб, ривожланиб, камолатга эришиш йўллари ва унга таъсир этадиган биологик ва ижтимоий омилларнинг бевосита таъсирини тушуниш мумкин. Бу даврда ўсмир бахтли болалик билан хайрлашган, лекин катталар ҳаётида ҳали ўз ўрнини топа олмаган ҳолатда бўлади. Ўсмирлик даври «Ўтиш даври», «Кризис давр», «Қийин давр» каби номларни олган психологик кўринишлари билан характерланади. Чунки бу ёшдаги ўсмирлар хатти-ҳаракатида ноадекватлик, янги шароитларда ўз ўрнини топа олмаганлигидан психик портлаш ҳоллари ҳам кузатилади. Ўз даврида Л.С.Выготский бундай ҳолатни психик ривожланишдаги кризис деб номлаган. Ўсмирлик ёшида уларнинг ҳулқ–атвориға ҳос бўлган алоҳида хусусияларни асосан жинсий етилишнинг бошланиши билан изоҳлаб бўлмайди. Жинсий етилиш ўсмир ҳулқ–атвориға асосий биологик омил сифатида таъсир кўрсатиб, бу таъсир бевосита эмас, балки кўпроқ билвоситадир. Ўсмирлик давриға кўпинча сўзға кирмаслик, ўжарлик, тажанглик, ўз камчиликларини тан олмаслик, урушқоқлик каби хусусиятлар ҳос.

Катталарға нисбатан агрессив муносабатнинг пайдо бўлиши, негативизм сингари ноҳуш ҳулқ–атвор аломатлари ўз–ўзидан келиб чиқадиган бевосита жинсий етилиш туфайли пайдо бўладиган белгилар бўлмай, балки улар билвосита таъсир кўрсатадиган ўсмир яшайдиган ижтимоий шарт–шароитлар воситаси орқали: унинг тенгдошлари, турли жамоалардаги мавқеи туфайли, катталар билан муносабати, мактаб ва оиласидаги ўрни муносабатлари сабабли юзаға келадиган характер белгиларидир. Мана шу ижтимоий шароитларни ўзгартириш йўли билан ўсмирларнинг ҳулқ–атвориға тўғридан–тўғри таъсир кўрсатиш мумкин. Ўсмирлар ниҳоятда тақлидчан бўлиб, уларда ҳали аниқ бир фикр, дунё қараш шаклланмаган бўлади. Улар

ташқи таъсирларга ва ҳиссиётларга жуда берилувчан бўладилар. Шунингдек уларга мардлик, жасурлик, тантиклик ҳам ҳосдир. Ташқи таъсирларга берилувчанлик ўсмирда шахсий фикрни юзага келишига сабаб бўлади, лекин бу шахсий фикр аксарият ҳолларда асосланмаган бўлади. Шунинг учун ҳам улар ота–оналарнинг, атрофдаги катталарнинг шунингдек, устозларнинг тўғри йўлни кўрсатишларига қарамай ўз фикрларини ўтказишга ҳаракат қиладилар. Жуда кўп ўсмирлар бу даврда чекиш ҳамда спиртли ичимликларга қизиқиб қоладилар. Катта одам, шунингдек чекувчи, ичувчи сингари янги ролда ўзини нормал, қулай ҳис қилади. Бундай ҳолатларга тушган ўсмир жуда ташвишга тушади ва унда кризис ҳолати юзага келади. Бу кризис ўсмирнинг маонавий ўсиши, шунингдек психикасидаги ўзгаришлар билан ҳам боғлиқдир. Бу даврда боланинг ижтимоий мавқеи ўзгаради, ўзининг яқинлари, дўстлари, тенгдошлари билан янги муносабатлар юзага келади. Лекин энг катта ўзгариш унинг ички дунёсида юзага келади. Кўпгина ўсмирларда ўзидан қониқмаслик ҳолати кузатилади. Шунингдек, ўзи ҳақидаги мавжуд фикрларининг бугун унда содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри келмаётганлиги ўсмирни асабийлашишига олиб келади. Бу эса ўсмирда ўзи ҳақида салбий фикр ва кўрқувни юзага келтириши мумкин. Баози ўсмирларни нима учун атрофдагилар, катталар, шунингдек ота–онасига қарши чиқаётганлигини англай олмаётганлиги ташвишга солади. Бу ҳолат уларни ичдан асабийлашишларига сабаб бўлади ва ўсмирлик даври кризиси дейилади.

Ўсмирлик даврида етакчи фаолият–бу ўқиш мулоқат ҳамда меҳнат фаолиятидир. Ўсмирлик даври мулоқотининг асосий вазифаси бу дўстлик, ўртоқликдаги элементар нормаларини аниқлаш ва эгаллашдир. Ўсмирлар мулоқотининг асосий хусусияти шундан иборатки, у тўла ўртоқлик кодексига бўйсинади.

Ўсмирларнинг ота–онаси, катталар билан қиладиган мулоқоти асосан уларнинг катта бўлганлик ҳисси асосида тузилган бўлади. Улар катталар томонидан қилинадиган ҳақ–ҳуқуқларини чеклашларига, қаршилиқ ва

эотирозларига қаттиқ қайъурадилар. Лекин шунга қарамасдан у мулоқотда катталарнинг кўллаб–қувватлашларига эҳтиёж сезадилар. Биргаликдаги фаолият ўсмирга катталарни яхшироқ тушинишлари учун ёрдам беради. Ўсмир ўзида бўлаётган ўзгаришлар, уни ташвишга солаётган муамолар хақида катталар билан бўлишишга катта эҳтиёж сезади, лекин буни ҳеч қачон биринчи бўлиб ўзи бошламайди. Ўсмир ўзига нисбатан ёш болалардек қилинадиган муомила–муносабатига қаттиқ норозилик билдиради. Ўсмирлар мулоқоти ниҳоясида ўзгарувчанлиги билан характерланади. Ўсмирлик даврига кимнингдир хатти–ҳаракатини имитация қилиш ҳосдир. Кўпинча улар ўзларига таниш ва ёқадиган катталарнинг хатти–ҳаракатларини имитация тақлидчанлик қиладилар.

Қайд этиб ўтилган йўналганлик албатта катталарнинг ҳам мулоқот ва муносабатда мавжуд, лекин улар катталарникидан ўз эмоционаллиги билан фарқланади. Тенгдошлари, шунингдек синфдошлари гуруҳида ўсмир ўзининг келишувчанлик хусусияти билан намоён бўлади. Ўсмир ўз гуруҳига боълик ва қарам бўлгани ҳолда шу гуруҳнинг умумий фикрига кўшилишга ва унинг қарорини доимо бажаришга тайёр бўлади. Гуруҳ кўпинча ўсмирда «Биз» ҳиссининг шакилланишига ёрдам беради ва унинг ички ҳолатини мустаҳкамлайди. Ўсмир ёшдаги бола учун дўст танлаш жуда катта ахамиятга эга. Ўсмирлик даврида дўст жуда қадирли ҳисобланади. Дўстлар доимий равишда руҳан, қалбан яқин бўлишга эҳтиёж сезадилар. Бу эҳтиёж ўсмир дўстларнинг сўрашиши ва кўришишларида (кўл бериб, кучаълаб кўришиш) бирга ўтириш ва бирга юришга ҳаракат қилишларида кўринади. Кўпгина ана шундай жуда яқин муносабатлар, ўсмирларнинг шахс бўлиб шаклланишдаги, биргаликдаги ҳаракатларини изи инсон қалбида ва хотирасида бир умрга сақланиб қолади.

Ўсмирлар катталарнинг уларга билдирадиган ишончларига катта эҳтиёж сезадилар. Катталарнинг ўсмир ёшдагилар учун таъсир кўрсатиш, тарбия бериш учун энг қулай шароит–бу умумий меҳнат билан шуьулланишидир. Агар кичик ёшдаги болалар ёрдамчи бўлиш ролларидан

кониқсалар, ўсмирлар, айниқса катта ўсмирлар катталар билан тенг равишда фаолият кўрсатаётганларидан, лозим бўлганда уларнинг ўрниларига ҳам ишлай олишларидан қониқадилар. Агар катталар ўсмирларнинг тенг, дўстона, уни тўла тушунадиган ва ақл билан раҳбарлик қилсалар, бунга ўсмирлар ижобий қарайдилар, лекин бу раҳбарлик каттанинг хоши-истаги устунлиги асосида бўлса, ундай ҳолда улар тўла қаршилик кўрсатадилар. Бу қаршилик кўпинча салбий натижаларни, баозан эса депрессияни ҳам юзага келтириши мумкин. Бу ҳолат кўпинча ота –онаси авторитар муносабатда бўлувчи оилаларда учрайди. Кўпгина бундай оилаларда тарбияланаётган ўсмирлар ҳаётда мустақил ҳолда ҳаракат қилишлари, ўз режаларини амалга оширишлари, қийин маосулиятнинг ўз бўйниларига олишлари бирмунча қийинроқ. Улар кўпинча интеллектуал характердаги муаммоларни ҳам қийинчилик билан енгадилар. Ўсмирлик даврида болаларнинг атрофдаги одамлар билан шахсий ва иш юзасидан бўладиган муносабатларидаги мавқеи ўзгаради. Энди ўсмирлар ўйин ҳамда дамга камроқ вақтларини ажратган ҳолда кўпроқ жиддий ишлар билан шугуллана бошлайдилар ва уларда билиш жараёнлари жадал ривожлана бошлайди. Ўқиш ўсмирлар ҳаётида катта ўринни эгаллайди. Ўсмирлар ўқишидаги асосий мотив бу уларнинг катталикларини ҳис эттирадиган, англатадиган ўқиш турларига тайёрланишларидир. Улар учун машъулотларнинг асосан мустақиллик бериладиган шакллари ёқади. Бошқа давр болаларига нисбатан ўсмирларнинг фанларни мувафакқиятли ўзлаштиришлари қизиқишларининг орттиришлари ўқитувчининг ўқув материални тушунтира олиш маҳоратига боғлиқ. Билим ўрганиш эҳтиёжлари асосида аста-секинлик билан умуман ўқув фанлари нисбатан қаттиқ ижобий муносабат шаклланади. Бу даврда ўқишнинг чнги мотивлари юзага келади. Бу мотивлар асосан ўсмирнинг ҳаётий режалари келажак касби, ва идеали юилан боьлиқ бўлади. Айнан ўсмирлик давридадан бошлаб болалар ҳаётий илмий,бадий билимларни кенағйтиришга алоҳида эҳтиёж сезадилар ва бунга ҳаракат қиладилар. Билимли бола тенгдошлари орасида хурсатга сазовор бўлади. Билим ўсмирларга алоҳида бир қувонч

баъишлайди ва унинг тафаккур қилиш лаёқатини ривожлантиради. Ўсмирларнинг ўқув материалларини фақат механик хотирага асосланишлари халақит беришлари мумкин. Бу даврда ўқувчиларга бериладиган ўқув материалининг ҳажми катта бўлгани учун ҳам уни эслаб қолиши ёки бир неча марта такрорлаш йўли билан ўзлаштириш қийин. Бунинг учун албатта ўқувчи ўқув материални мазмунини тахлил қилиши, ундаги мантиқий тузилишни билиши муҳим. Бу даврда болаларнинг идрок, диққат ва тасаввурлари ўзгаради, лекин бу ўзгариш боланинг ўзига ва атрофдагиларга сезилмаган ҳолда кечади. Шу билан бирга бу даврда боланинг хотираси, нутқи, тафаккур жараёнлари ҳам жадал ривожланади. Бу ўзгаришлар атрофдагиларга сезиларли даражада бўлади. Ўсмирлик даврда болани англаш ва ўз-ўзини англаш даражаси кўтарилади ва унда ўзи, бошқа одамлар, олам ҳақидаги билимлари чуқурлашади. Ўйин фаолияти аста-секин камайиб, янги фаолиятлар юзага кела бошлайди. Психик ривожланишнинг янги босқичи бошланади. Ўсмирлик даврида ўз фаолиятини назорат этиш ривожлана бошлайди ва ўзини-ўзи бошқаришга интилиши кучаяди. Бир сўз билан айтганда ўсмирлик даври психик ривожланишда кескин бурилиш даври ҳисобланади.

Бу даврга келиб бола организми жадиллик билан ва номуттаносиб ўсади. Бу ўсиш баъзан боланинг ўзига ёмонроқ ҳис қилишга ва айрим физиологик касалликларни келиб чиқаришга сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳолатларнинг барчаси болани ташвишга солади ва унинг асабийлашига олиб келади. Ўзини катта бўлиб ўзгартираётганини ҳис қилган ўсмирда энди катталар ҳаёти билан яшаш эҳтиёжи юзага кела бошлайди. Ўсмир ўзини катталардек тутишга катта бўлиб қолганини кўрсатишга ҳаракат қила бошлайди. Жуда кўпгина ўсмирлар бу даврда чекиш ҳамда спиртли ичмликларга қизиқиб қоладилар. Катта одам чекувчи ичувчи сингари янги ролда узини нормал яхши ҳис қилмаган усмир жуда каттик ташвишга тушади ва ундан кризис ҳолати юзага келади. Шунингдек бу кризис усмирнинг маҳнавий усиши шунинг психикасидаги ўзгаришлар билан ҳам

боғлиқдир. Бу даврда боланинг ижтимоий мавқеи ўзгаради ўзининг яқинлари дўстлари тенгдошлари билан янги мунособатлар юзага келади. Лекин энг катта ўзгариш унинг ички дунесида юзага келади. Ўсмирда акс холларда ўзига қоникмаслик ҳолати кузатилади. Ўзи ҳақидаги мавжуд фикларнинг бугун ундан содир бўлаётган ўзгаришларга тўғри келмаётганлиги ўсмирни иккинчи томондан ташвишлантириб асабийлашига сабаб бўлади. Бу эса болада ўзи ҳақида салбий фикр ва кўрқувни юзага келтириши мумкин. Баъзи ўсмирларни нима учун атрофдагилар катталар кўпинча ота-онасига қарши чиқаётганини англай олмаётганлиги ташвишга солади. Бу ҳолат ҳам ўзларини ичидан асабийлашишларига сабаб бўлади. Катталарнинг бу даврдаги энг асосий вазифалари ўсмирнинг муаммосини тўғри англаши ва эркин тўғри яшашига ёрдам беришидир.

Ўсмир камолотга эришган сайин унинг психик дунёсида янги фазилатлар ва сифатлар пайдо була бошлайди, психикасида кескин қайта қуриш содир бўлади. Ўзгаришлар унинг олдига янги талаблар қуяди, бу эса ўз навбатида кўпроқ ҳуқуқ ва эрк берилишини, энг аввало мустақил қарорга келиш ва ҳуқуқ – атворини мақбул деб ҳисоблаб амалга оширишни такозо қилади. Психик такомиллашиш, камолотга интилиш, нисбий барқарорлик ўсмирлик даврининг энг муҳим хусусиятлари ҳисобланади. Ҳозиргача балогатга эришиш ва жинсий етилишнинг жадаллашиши тўғрисида бир бутун, яхлит илмий назария мавжуд эмас.

1.2. Ўсмирлик даврида билиш жараёнлари хусусиятлари

Ўсмирлик даврида нутқнинг ривожланиши бир томондан сўз бойлигининг ошиши ҳисобига бўлса, иккинчи томондан табиий ва жамиятдаги нарса, воқеа ва ходисаларнинг мазмун моҳиятини англашлари ҳисобига бўлади. Бу даврда ўсмир тил ёрдамида атроф –борлиқни акс этирилиши билан бир қаторда инсон дунё қарашини ҳам белгилаб бериш мумкинлигини ҳис қила бошлайди. Айнан ўсмирлик давридан бошлаб инсон айнан нутқ билиш жараёнларининг ривожланишини белгилаб беришини тушуна

бошлайди. Ўсмирни кўпинча муомилада сўзларни ишлатиш қоидалари – «Қандай қилиб тўри ёзиш керак?», «Қандай қилиб яхшироқ айтиш мумкин?» каби саволлар жуда қизиқтиради. Ўсмирлар мактабдаги ўқитувчилар, катталар, ота–оналар нутқидаги камчиликларига жуда тез эотибор берадилар, китоб, газета, радио ва телевидение дикторлари хатоликларига тез эотибор берадилар. Бу ҳолат ўсмирнинг бир томондан ўз нутқини назорат этишга ўргатса, иккинчи томондан катталар ҳам нутқ қоидаларини бузишлари мумкинлигини билишларига ва ўзида мавжуд хатоликларни бир мунча барҳам топтиришларига олиб келади.

Ўсмир сўзларининг келиб чиқиш тарихига, уларни аниқ мазмуни ва мохиятига жуда қизикади. У энди ўз нутқида ёш бола сингари эмас, балки замонавий катта одамлар сингари сўзларни танлашга ҳаракат қилади. Нутқ маданиятини эгаллаш борасида ўсмир учун ўқитувчи албатта намуна бўлиши шартдир. Айнан мактаб таолими ўсмир билиш жараёнларини ривожланиш йўналишини сифат жиҳатидан ўзгаришда асосий кучли омил бўлиб хизмат қилади. Билиш жараёнларининг ривожланишида нутқ ҳам оёзаки, ҳам ёзма мавжуд бўлиши билан ҳам кучли восита ҳисобланади. Мактабдаги ўқув жараёнларининг тўри ташкил этилиш ва амалга оширилиш билан ўсмир нутқининг тўри ривожланишига шароит яратилади. Нутқни ўзлаштиришга ҳаракат бу ўсмирнинг муомала, билиш ва ижодий фаолиятга кирилишига эҳтиёж ва интилиш ҳисобланади.

Ўсмирлик даврда ўқиш ва ёзма монологик нутқ ҳам жадал ривожланади. 5–синфдан бошлаб то 9–синфгача ўқиш тўри, тез ва ифодали бўлиш даражасидан, ёддан ифодали, таосирли айтиб бера олиш даражасигача кўтарилади. Монологик нутқ эса асардаги кичик бир парчани қайта сўзлаб беришдан, мустақил равишда нутқ ва чиқишлар тайёрлаш, оёзаки мулоҳаза юритиш, фикр билдириш ва уларни асослаб беришгача ўзгаради. Ёзма нутқ ҳам яхшиланган ҳолда ўсмирлар энди уларга берилган эркин мавзу бўйича мустақил ҳолда иншо ёза оладилар. Ўсмирларнинг нутқи тўла тафаккур билан боёлиқ ҳолатида амалга оширилади. 5–6 –синфлардаги ўқувчилар

оьзаки ва ёзма матн учун режасини туза оладилар ва режага амал қила оладалар.

Ўсмирлик даврида назарий тафаккур юқори аҳамиятга эга бўла бошлайди. Чунки бу даврдаги ўқувчилар атроф оламдаги боьланишлар мазмунини максимал даражада билишга ҳаракат қиладилар. Бу даврда ўсмирнинг билшга бўлган қизиқишда прогресс содир бўлади. Илмий назарий билимларнинг эгаллаб олиниши туфаккурнинг ривожланишига олиб келади. Бунинг ҳисобига исбот, далиллар билан фикрлаш қобилияти ривожланади. Унда дедуктив хулосалар чиқаришга қобилият пайдо бўлади. Мактабда ўқитиладиган фанлар ўсмир учун ўз тахминларини юзага келтириш ёки текшириш учун шароит бўлиб хизмат қилади. Ж.Пиаженинг таокидлашича «Ижтимоий ҳаёт уч нарсанинг таъсири – тил, мазмун, қоидалар асосида шакллантирилади». Бу борада ўзлаштирилган ижтимоий муносабатлар ўз – ўзидан тафаккурнинг янги имкониятларини яратади.

11–12 ёшдан бошлаб ўсмир энди мантиқий фикрлаб ҳаракат қила бошлайди. Ўсмир бу ёшда худди катталар сингари кенг қамровли таҳлил этишни ўргана бошлайди. Ўсмир тафаккурнинг назарий даражага қанчалик тез кўтарила олиши ўқув материалларни шунчалик тез, чуқур эгаллаш ва унинг интелектини ҳам ривожланишини белгилаб беради. Ўсмирлик даври юқори даражадаги интеллектуал фаоллик билан фарқланади. Бу фаоллик асосан ниҳоятда қизиқувчанлик ҳамда атрофдагиларга ўз лаёқатларини намойиш этиш, шунингдек улардан юқори баҳо олиш эҳтиёжининг мавжудлиги билан белгиланади. Ўсмирнинг катталарга берадиган саволлари кўпгина мазмунли, чуқур ўйланган ва айнан ўша масала юзасидан бўлади. Бу ёшдаги болалар турли гипотезалар туза оладилар, тахминий фикр юрита оладилар, тадқиқ ўтказа оладилар ҳамда маолум бир масала бўйича алртернативларни таққосла оладилар. Ўсмир тафаккури кўпинча умумлаштиришга мойил бўлади. Республикамизнинг бозор иқтисод шароитига ўтишда кишилардаги амалий тафаккурнинг аҳамияти ошмоқда. Амалий тафаккур тизимига қуйидаги ақлий сифатлар киради:

-тадбиркорлик, тежамкорлик, ҳисоблилиқ, юзага келган муаммоларни тез еча олишлиқ.

Кўрсатилган барча сифатлар бўлган тақдирдагина амалий туфаққурини ривожланган деб ҳисоблаш мумкин. Бу сифатларни 1–синфданок бошлаб ривожлантира бориш ниҳоятда муҳим. Ўсмирлик даврида ишбилармонлик сифатини ўқувчилар ўз–ўзини бошқаришни йўлга қўйиш шунингдек, умумий фойдали тадбиркорлик ишларида иштирок эттириш орқали ривожлантириш мумкин. Бу борада ўқувчи ижрочи ролида эмас балки бошқарувчи, мустақил йўл танловчи ва тадбиркорлик муносабатларига ўзи киритувчи бўлган тақдирдагина ривожланиш амалга ошиши мумкин. Бу ёшда тадбиркорликни ривожлантиришда кўпроқ мустақилликни берилиши ўсмир амалий тафаққурининг ривожига ижобий таосир кўрсатади. Ўсмир ёшдаги болаларда тежамкорликни ривожлантириш ақлниг бошқа сифатларига нисбатан осонроқ кечади, буни кўпроқ уларни қизиқтирадиган нарсаларга мустақил равишда ҳисоб–китоб қилиб боришга йўллаш орқали амалга ошириш мумкин. Ўсмирларда юзага келган муаммоларни тез ва оператив ҳолда ечиш малакасини шакллантириш бирмунча қийинроқ кечади. Албатта бу боланинг темпераментига ҳам боълиқ. Барча ўсмирларни ҳам тезйўлаб, тез ҳаракат қилишга ўргатиш мушқул, лекин уларни муаммо юзага келиши билан орқага ташамай тез ечишнинг умумий қоидаларга ўргатиб бориш мумкин.

Ўсмирлик даврида интелектнинг юқори даражада ривожланган бўлиш қимматли ва обрўли ҳисобланади. Ўсмир шахсида ва унинг билишга қизиқишидаги ўзгаришлар ўзаро боълиқ бўлади. Ихтиёрий психик жараёнларнинг ривожланиши ўсмирдаги шаклланиб келаётган шахс мустақиллигига таянади, ўзининг шахсий хусусиятларини англаш ва шакиллантириш имкониятлари эса ундаги тафаққурнинг ривожланиши билан белгиланади.

Диққат, хотиранинг ривожланиши. Ўсмирлик даврида диққат, хотира тасаввур тўла мустақиллик касб этиб, энди ўсмир уларни ўз ифодасига кўра бошқара оладиган бўлади. Бу даврда қайси етакчи функция (диққатми,

хотирами ёки тасаввур) устунлик қилаётгани яққол намоён бўлиб, ҳар бир ўсмир ўзи учун ахамиятлироқ бўлган функцияни эотиборга олиш имкониятига эга бўлади. Ушбу функцияларнинг ривожланиш хусусиятларини кўриб чиқамиз:

Агар кичик мактаб даврида ихтиёрсиз диққат устунлик қилса, ўсмирлик даврида бола ўз диққатини ўзи бошқара олади. Дарс давомида интизомнинг бузилиши аксарият ҳолларда ўқувчилар диққатсизлигидан эмас, балки ижтимоий сабаблар билан белгиланади. Ўсмир ўз диққатини тўла равишда ўзи учун ахамиятли бўлган ва юқори натижаларга эришиши мумкин бўлган фаолиятларга қарата олади. Ўсмирнинг диққати яхши бошқариладиган ва назорат этиладиган даражада ривожланган бўлиши мумкин. Боланинг ривожланаётган ихтиёрий диққати ўқитувчи томонидан доимо қўллаб–қувватланиши жуда зарурдир. Педагогик жараёнда ихтиёрсиз диққатни ихтиёрий диққат даражасига кўтариш учун бир қанча услублар ишлаб чиқилган. Шунингдек, ўсмирнинг дарс жараёнида ўз тенгдошлари орасида ўзини кўрсатиш учун шароитни яратилиши ҳам ўсмирдаги диққатни ихтиёрсиздан ихтиёрийга айланишида замин бўлиб хизмат қилиш мумкин. Лектн ўсмирлик даврида жуда каттиқ чарчаш ҳолатлари ҳам бўлади. Айнан 13 –14 ҳамда 16 ёшларда чарчаш чизиби кескин кўтарилади. Бундай ҳолатларда ўсмир атрофдаги нарса ва воқеаларга тўлиқ диққатини қарата олмайди, Диққатнинг кўринишларига ўсмирлик эришиш ва йўқотиш бўйича тўла қарама-қарши бўлган давр ҳисобланади.

Ўсмирлик даврида асосан билиш жараёнлари юқори даражада ривожланади. Бу йилларда ўсмирларга ҳаёт давомида керак бўладиган асосий шахсий ва тадбиркорлик хусусиятлари очик кўрина бошлайди. Хотира механик хотира даражасидан мантиқий хотира даражасига кўтарилади. Нутқ асосан юқори даражада ривожланган, хилма-хил ва бой тафаккур эса ўзининг барча кўринишлари: ҳаракатли, образли, мантиқий даражасида ривожланади. Ўсмирлиарни энди турли амалиёт ва ақлий фаолиятларга

ўргатиш мумкин. Шунингдек, бу даврда умумий ва махсус лаёқатлар шаклланади ва ривожланади.

Ўсмирлик даврига жуда кўп зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар хос. Мактаб дастури ва бошқа ишлар билан боғлиқ турли масалаларни ечишда кўзга ташланадиган ўсмирларнинг интеллектуал ривожланганлиги катталарни улар билан бирга жиддий муаммолар бўйича фикрлашга ундайди, ўсмирларнинг ўзлари ҳам бунга ҳаракат қиладилар. Бошқа томондан эса айниқса, келажак касб, хулқ атвор этикаси, ўз мажбуриятларга мажбуриятларига маъсуллик каби муаммолар муҳокамасида инфантилликни (ёш болаларга хос жисомний ва психологик ҳолат) кузатиш мумкин.

5-6 синф ўқувчиларига синфдаги ўзи эгаллаган мавқеига катта эътибор бериш хусусияти хос. Айниқса 6-синфдан бошлаб ўқувчилар ўз ташқи кўринишларига, шунингдек қарама-қарши жинсдаги болалар ва улар билан ўзаро муносабатларига эътибор бера бошлайдилар.

7-синф ўқувчиларида эса ўз лаёқатларини ривожлантиришга хос қизиқиш юзага келади. 8-синф ўқувчилари эса мустақиллик, ўзига хослик, дўстлик ва ўртоқлик билан боғлиқ бўладиган шахсий хислатларини юқори баҳоланади. Ўсмирларнинг ана шу кетма-кет юзага келадиган қизиқишларига асосланган ҳолда фаол равишда иродавий ишбилармонлик ва бошқа фойдали сифатларни ривожлантириш мумкин.

Ўсмирлик даврида турли фанларни турли хил ўқитувчилар ўқитиш муносабати юзага келади. Катталар шахси ва фаолиятни баҳолашнинг янги мезонлари ҳам уларда шакллана бошлайди. Ўсмирлик асосан билимли, талабчан, ҳаққоний, ўқув материални қизиқарли ва тушунарли йўл билан етказа оладиган ўқувчиларни ажратмайдиган, ўқитувчиларни кўпроқ ҳурмат қиладилар ва яхши кўрадилар. Улар ўқитувчи билан муносабатларига ҳам катта эътибор берадилар.

10-15 ёшли болаларнинг фаолият мотивларида ҳам қуйидагича ўзгаришлар амалга ошадилар. Илк ўсмирлик даврида кўпчилик ўсмирлар асосан ўзларига салбий шахсий характеристка берадилар. Катта бўлган сари

ўсмирнинг ўз-ўзига берган баҳоси дифференциал характерда (хулқ-атвориға, ижтимоий вазиятларда ўзини тутишға ва айрим хатти-харакатларига бўла бошлайди).

1.3. Ўсмирлик даврида билиш фаоллигини шакллантиришда буюк аждодларимиз илмий қарашларидан фойдаланишнинг аҳамияти

Халқимиз жуда қадимий, бой-маънавий ва ижодий меросга эгадир. Биз бу ўлмас тарихий меросимиз билан хар қанча фахрлансак арзийди. Бу улкан мерос халқимизнинг озодликка эришишға, мамлакатимиз ижодий мустақилликни қўлга киритишға, замонавий ижодий фаоллигига эга бўлишда, миллатимизнинг ижодий саводхон бўлишида ўзининг беқиёс ва бетакрор манбаи билан хизмат қилиб келмоқда.

Юртбошимиз И.А.Каримов халқимизни маънавий-маърифий руҳда тарбиялаш ҳақида қуйидаги фикрларни билдирдилар: «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш - Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай бир қимматбаҳо неъматки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган.

Эркин фуқаро онгли яшайдиган мустақил фикрга эга бўлган шахс маънавиятини шакллантириш бизнинг бош миллий ғоямиз бўлиши зарур.»

Хусусан, Хоразмийнинг «Алжабр»,Форобийнинг «Бахт саодатга эришув ҳақида», «Фозил одамлар шаҳри», Абу Райхон Берунийнинг «Хиндистон», Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ростгўйлар неъматлари», Хожи Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат», Алишер Навоийнинг «Хамса» асарларида билиш жараёнларига оид қимматли фикрлар илгари сурилган.

Шунингдек, Мунис Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Дониш, Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Маҳмуд Кошғарий, Кайковус, Бобур, Улуғбек,

С.Айний, Абдурауф Фитрат ва бошқаларнинг асарларида ҳам таълим-тарбия масалаларига кенг ўрин ажратилган.

Абу Али Ибн Сино «Тиббиёт» достонида агар ҳайвонлар табиат неъматларига қаноат қилиб яшасалар, одамларга бу неъматлар озлик қилади, улар озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жойга бўлган эҳтиёжларни ўз меҳнатлари билан қондиришлари мумкин деган фикрларни ёзади. Бу билан инсон билиш ва фикрлаш жараёнида фақат табиий эҳтиёжларгина эмас балки маънавий эҳтиёжларни қондириш жараёнида унинг билимларининг аҳамияти катта эканлигини эътироф этади.

Шарқ илмий билиш фаоллиги ривожланишида Юсуф Хос Хожибнинг «Қутатгу билиг» номли тарихий асари алоҳида аҳамият касб этган, Ўрта Осиёда ислом дини юксалаётган, ижодий, маънавий, илмий алоқалар сиёсий, ижтимоий ўзгаришлар таъсирида нотекис ривожланган даврда яратилган ва бизгача етиб келган бу асардаги ижодий қарашларга тўхталиб ўтамиз. Бу асардаги етакчи ғоя бенуксон, фаровон ҳаётга интилиш бўлиб, бундай ҳаётни яратиш инсонларнинг ўзига боғлиқлиги таъкидланади. Асарда касб-хунар эгаллаш, кучли ижтимоий ҳимоя масалаларига катта ўрин берилган

Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» ва бошқа кўплаб асарларида Ўрта Осиёнинг қадимги воҳаларида яшаб ўтган буюк алломаларнинг (Ибн Сино, Фаробий, Беруний, Ал Фарғоний, Ал-Хоразмий, Юсуф Хос Хожиб, Имом Бухорий, Мотрудий, Ат-Термизий ва бошқалар) ижодий тафаккурни ривожлантириш ва илмий билиш фаоллигини ошириш учун катта ҳисса қўшганлиги ҳақида таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, Президент асарлари Ўзбекистонда қабул қилинаётган янги қонун материалларини ҳам илм ўргатиш ва шу асосда ўсмирлик даврида билимини янада юксалтириш ҳозирги замон талаби ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ҳам амалиётдаги тадбиғи деб ҳисобланади

Буюк аллома Абу Наср Фаробий: «Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти эса ҳаракатда намоён бўлади» деган эди. Бугунги кунда

Республикамизда шундай ижтимоий-билиш ва сиёсий муҳит яратилганки, унда ҳар бир фуқаро ўз қобилиятини истиснодан эркин намоён этишга шахс сифатида жамиятда баркамол бўлиш имкониятига эгадир билиш ҳаётда тўқ ва бой яшаш, маънавий жиғатдан баркамол бўлиши ҳар кимнинг ўзига боғлиқ ва бунда тўла шароитлар яратилган. Шундай экан бугунги ёш авлодни янги билим ва янги билиш тушунчалар билан қуроллантиришимиз лозим, шунингдек содир бўлаётган муносабатлар ва жараёнларга қизиқишни кучайтириш уларнинг билиш фаолиятларини янада юксалтириш бугунги кун, бугунги ҳаёт тақозо қилмоқда. Бунинг учун биринчи галда фанларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш заруратини билиш ва ҳис этиш лозимдир.

Фаробий фанларни таснифлашда борлиқ хусусиятларининг таҳлилидан ва уларнинг фанда акс этишидан келиб чиқади. Унинг таснифи, энг аввало, табиатни, тафаккур ва нутқни, тил ва мантиқни ўрганишга қаратилган эди. Фаробийга кўра, илмларнинг таснифидан мақсад ҳақиқатни ўрганиш ва тасдиқлашдан, уни ёлғондан фарқлашдан иборат. Олимнинг фикрича, фанлар ва умуман билимлар борлиқдан келиб чиқиб, борлиқни узоқ вақт ўрганиш асосида тўпланиб боради. Тўпланган илмлар бир-бирини инкор қилмайди, балки ўзаро бир-бири билан боғлиқ ҳолда ривожланади. Улар дунёни идрок қилишда ва инсонларнинг бахт-саодатга эришишига қаратилгандир.

Фаробий ўз асарларида билиш шакллари, инсоннинг руҳий ҳолати, жон ва тананинг ўзаро муносабати, мантикий фикрлаш тўғрисидаги мулоҳазаларини билдиради. «Қачонки турли ақллар фикр-мулоҳаза, ўз-ўзини таҳлил этиш, тортишув, қарама-қарши томондан таҳлил эитшдан сўнг бирлашса, ўша онда улар чиқарган далилдан ишонарлироғи бўлмайди» деб ҳисоблаган олимнинг айтишича, инсоннинг билиш, руҳни, қобилиятларини мия бошқаради, юрак эса барча аъзоларни ҳаёт учун зарурий бўлган қон билан таъминловчи марказ вазифасини бажаради. Фаробий «Илм ва санъатнинг фазилятлари ҳақида» китобида табиатни билишнинг чексизлигини, билим билмасликдан билишга, сабабиятни билишдан

оқибатни билишга, аккиденция (ал-араз)дан субстанция (жавҳар)га қараб боришни уқтиради. Инсон воқеликни идрок сезги, хотира, тасаввурга, мантиқий тафаккурга, ақл, нутқ ва бошқа восита ҳамда усуллар орқали била олади. Олим ҳиссий ва ақлий билиш мавжудлигини, улар бир-биридан фарқ қилишини ҳам айтиб ўтади. Ҳиссий билишда сезги аъзолари ёрдамида ашёлар, нарса ва ҳодисаларнинг муайян сифатлари билиб олинади. Шу билан бирга, сезги орқали нарса ва буюмларнинг муҳим бўлмаган томонлари ҳам идрок қилинади. Ақл орқали эса буюм сифатларини мавҳумлаштириш орқали унинг моҳияти ва умумий томонлари билинади.

Абдурахмон Жомийнинг таълимий-ахлоқий, педагогик-психологик қарашлари «Бахористон» асари ҳамда «Хафт авранг» («Етти тахт») асарининг таркибидан урин олган «Тухфатул ахрор» ва «Силсилатуз захаб» («Олтин тизмалар») достонларида акс этади. Алломанинг “Бахористон” асари Муслихиддин Саъдий томонидан яратилган «Гулистон» асари яратилган услубда ёзилган бўлиб, унда Абдурахмон Жомий хақиқий камолотга эришган инсон ва унинг маънавий-ахлоқий қиёфаси борасида тухталиб утади.

Абдурахмон Жомий ҳам бошқа алломалар каби инсон камолотининг биринчи мезони унинг билимлилик даражаси дея таъкидлайди.

«Хафт авранг» асарининг биринчи достони бўлган «Тухфатул-ахрор»да ҳам Абдурахмон Жомий илмнинг инсон ҳаётидаги аҳамияти курсатиб берар экан, илм ҳар қандай муаммоларни ечишда инсонга ёрдам беришини курсатиб утади.

Аллома узининг машҳур «Силсилатуз захаб» («Олтин тизмалар») достонининг «Севимли азиз фарзандга насихат» номли бобида, ҳар бир ёшнинг билим олиши зарурият эканлигини таъкидлайди. Зеро, инсон умри жуда қисқа бўлиб, у умрни беҳуда утказмаслиги, шунингдек, муайян даражада билимларни эгаллагандан сунг унга амал қилиш лозим, амалиётда қулланилмайдиган илм ҳам беҳудадир деган фикрларни илгари суради.

Шарқ алломаси Ибн Холдун ижтимоий-билиш соҳаларда жуда кўплаб таълимотлар яратган. Унинг қуйидаги фикрини халқ эътиборига қаратсак

«иктисодиёт» ижтимоий билиш ҳаётнинг ярмини ташкил этади, қолганини маънавият, адолатлик, софдиллик, виждоний поклик, меҳр-шафкат, ҳалол меҳнат, инсофлилик каби фазилатлар ва сифатлар ташкил этади. Билиш ва маънавий жихатлар сув билан ҳаводек зарурий воситалар.

Ўрта асрнинг буюк қомусий олими Абу Райхон Беруний «Хиндистон», «Минералогия», «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб», «Сайдона» каби ўнлаб асарларида физика, математика, геодезия, геология, минералогия ва шунингдек ижтимоий гуманитар фанларнинг ривожига катта ҳисса қўшди. Беруний хатто «Одил ҳокимнинг асосий вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглилик, адолат ўрнатишдан иборатдир» деган фикрни ўртага ташлаган эди. Беруний мавжуд дунёни билимлардан тафаккурдан ташқари эканлиги ҳамда инсонга қадар унинг сезгилари ва ақлига қадар бор бўлганлиги ҳақида хабар берган. Беруний ўқитишда фақат дедуктив йўл билан эмас, балки индуктив йўл билан ҳам иш тутмоқ лозимлигини таъкидлайди. Бунда олим ҳар қайси методни ўз жойида қўллаш зарурлигини яхши билгани кўриниб турибди. Бундай ўқиш тафаккурни ўстириб, билимнинг сифатини яхшилади, ақлий билимини бойитади. Бевосита Беруний илм олишда такрорлашни устун қўяди. Шу билан бирга билим бериш хилма-хил йўл билан бирга энг муҳими ўқувчини хотирасини кучайтириш, тафаккурини бойитиш ва билимини чуқурлаштириб бориш зарурлигини уқтиради.

Давоний фикрига кўра бола бирданига шакли бир хил нарсаларни ажрата олмайди. Лекин у аста-секин айрим жузъий нарсаларни билиши малакасини ҳосил қилади. Улғая борган сари органлари мустаҳкамланади ва умумий ҳамда мураккаб нарсаларни билишга интила боради, нарса ва ҳодисаларни бир-бирдан ажратадиган бўлади, яхшилик ва ёмонлик тўғрисида тасаввурга эга бошлайди. Умумий нарсаларни била бориш билан унинг ақли такомиллашади, онги ўсади.

Давоний боланинг умумий тушунчаларнинг моҳиятини билиши фақат ақлнинг пайдо бўлиши билан рўй беради деб таъкидлар экан, сезги ва ақл орқали ташқи дунёни билиш мумкинлигини тан олади.

Шунингдек, Давоний инсон ўз ақлий қобилияти, тафаккурини бойитишда зеҳн ўткирлиги, фаҳм тезлиги, зеҳн равшанлиги билимларни тез эгаллаш қобилияти, масалани чуқур англаш, ёдлаш, хотира жараёнларига асосий эътиборини қаратишни таъкидлайди.

Инсоннинг фикрлаш жараёни таҳлил қилинганда, унинг қандай шаклларда кечиши аҳамиятли бўлиб, бу унинг турлари ва шунга кўра фикрлашдаги индивидуаллик масаласидир.

Инсон мавжуд экан, у инсоният тараққиётининг сабабчиси экан, унинг ҳар куни ва ҳар кунги бажарадиган хатти-ҳаракатлари ва ишларининг асосида, заминида унинг турли-туман хоҳишлари, эҳтиёжлари, орзу-умидлари, тилаклари ётади. Ана шуларнинг орасида энг муҳим ва аҳамиятлиларидан бири – бошқаларга нисбатан ақллироқ, фаросатлироқ ва омадлироқ бўлиш эҳтиёжидир. Аҳлу фаросат, унинг ҳаётдаги аҳамияти тўғрисида фикр билдирган алломаларимиз ҳам унинг тарбияловчи сифатларига эътиборни қаратганлар. Абу Носир Форобий “Инсон моҳияти ақлда, ақлнинг моҳияти ҳаракатда намоён бўлади” деганда, инсон ақлу заковати унинг кимлигини билдирувчи асосий мезон эканлигини таъкидлаган эди.

Демак, инсоннинг инсонлигини ифодоловчи ягона мезон ақл-идрок, онг ва фаоллиги даражаси бўлса, уларнинг моҳиятини очиб берувчи, уларнинг миқёси ва кўламига баҳо берувчи бош мезон хатти-ҳаракатлари, амаллари, ҳаётга ва атроф-муҳитга муносабат, ўз-ўзини бошқаришдаги ички кудратидир. Инсонийлик, ақл ва иймон масаласи ўтмишдаги авлод-аждодларимиз назаридан четда бўлмаганлигини “Авесто”да кўришингиз мумкин. Инсоният тараққиёти, унинг абадийлигининг мезони ҳам соғлом, ақлли фикр бўлиб келган, шундай бўлади ҳам. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз ақлли кишида учта ҳислат бўлади, дейишади. Бу – биров нарса

сўраса, одоб билан жавоб беради, бировдан ёмонлик кўрса ҳам яхшилик килади, халқи учун фойдали фикрларни илгари суради.

Абу Наср Фаробийнинг инсон ва унинг психикаси ҳақидаги ахлоқий фалсафий мушоҳадаларида, Ибн Синонинг тиббиётга бағишланган асарларида нерв ва нерв йўллари ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган. Юсуф Хос Хожиб ва Алишер Навоийнинг бир қатор асарларида етук баркамол инсоннинг ахлоқи, маданияти, одамларга муносабати, истеъдоди ва қобилияти тўғрисида қимматли мулохазалар юритилади.

Алишер Навоий илм-фанни юксак кадрлайди. “Вилия ва ақл – киши безаги” – деб ёзади у. Навоий ўз асарларида таълим ва тарбия масалаларига катта эътибор беради. Навоийнинг педагогик ва психологик қарашлари чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган. Навоий боланинг шаклланиши ва тарбияси масаласига алоҳида эътибор беради. Болага жуда кичиклигидан ёш хусусиятларини ҳисобга олиб, тўғри тарбия бера бошлаш керак дейди. Улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг ижодий меросини ўрганар эканмиз, шоирнинг лирик ижодиётида инсоннинг мураккаб ҳис туйғулари ва руҳий кечинмалари, фазилатлари, ҳаёт воқеа ҳодисаларига, инсонларга муносабати, ижодий ҳаёти, табиат кўрки ва ундан баҳрамандлик каби фикрларни юксак баҳолаймиз.

Шундай қилиб, мутафаккир алломаларимиз ақлнинг ана шундай ранг-баранг жиҳатларини ажратиб, улар асосида умуман икки тоифали ақл соҳиблари бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилишга имкон бердилар: некбин ақл эгалари ва худбин ақл эгалари. Биринчиларидаги ақл инсониятга эзгулик келтириб, ўз соҳибини ҳам бахтли қилса, иккинчилари – аксинча, ўз манфаати йўлидагина ақл ишлатиб, ўзгаларга зиён етказдилар холос. Маънавий, баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида таълим ва тарбиянинг жамият ҳаётидаги нуфузини оширишни такозо килади.

Хулоса қилиб айтганда ўсмирлик даврини ижодий фаоллик ва билиминини шакллантиришга шарқ мутафаккирлари қолдирган илмий меросни ўрни ва аҳамияти бугунги кунда беқиёс бўлиб ҳисобланмоқда.

II-БОБ. ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЎСМИРЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АМАЛИЙ СОҲАЛАРИ

II.1. Ўсмирлар билиш фаоллигини ижодий тафаккур билан уйғунлиги

Инсон ўзининг бутун хаёти ва фаолияти давомида объектив дунёни билиб боради. Билиш дунёни инсон онгида акс этишининг мураккаб жараёни бўлиб, у билмасликдан билишга, ноаниқ ва тўла бўлмаган билимлардан анча аниқ ва тўла билимларга томон ҳаракат қилиш сифатида содир бўлади. Билиш теварак-атрофдаги одамнинг нарса ва ходисаларни ҳиссий идрок қилишдан бошланади. Ташки оламнинг сезги, идрок ва тасаввурнинг ҳосил бўлишига олиб келади, булар реал борликдаги нарсаларни инсон онгида акс эттиради. Теварак-атрофдаги оламга муваффақиятли таъсир этиш учун бу олам ривожланишининг объектив қонуниятларини билиш керак. Фақат ҳиссий билиш ёрдамидагина бу қонунларнинг моҳиятини тушуниш мумкин эмас. Абстракт тафаккур табиат ва жамият хаёти ривожланишининг объектив қонунларини билишга хизмат қилади. Абстракт тафаккур ҳиссий билиш ахборотларини умумлаштириб, нарса ва ходисалардаги ҳамма муҳим бўлмаган тасодифий томонлардан узоклашади ҳамда нарса ва ходисаларнинг моҳиятига кириб бориб, уларнинг ривожланишидаги умумий қонуниятларни очиқ беради. Умумлаштириш натижалари фан тушунчалари ва қонуниятида ифодаланади. Уларнинг ҳақиқийлиги амалиётда текширилади, амалиёт билимларнинг ҳақиқийлигини кўрсатувчи олий мезондир.

Бироқ олимнинг ҳали номаълум бўлган сирларини билиши билан, ўқувчининг фанлар соҳасида баён қилинган билимларни билиши ўртасида катта фарқ бор, яъни олим янгиликни кашф қилади, ўқувчи эса тайёр синалган бор билимларни ўзлаштиради.

Биз юқорида ўсмирлар билиш фаоллигида ва ўқув фаолиятидаги асосий психологик жараёнлар ва тафаккурни индивидуал хусусиятлари ҳамда ушбу жараёнга хос бўлган умумий қонуниятларни ўргандик. Лекин аслида мақсад шундайки, ҳар бир шахс ўзидаги тафаккур ва фикрлаш

жараёнларининг ўзига хос томонини билган ҳолда уни ўстириш йўлларини билиши керак.

Охирги йилларда психологларнинг ўтказган тадқиқотлари ва кузатишлари шуни кўрсатдики, фикрлаш жараёнларини гуруҳ шароитида, дарс пайтида ҳам ўстириш ва бунга қисқа йўллар билан эришиш мумкин экан. Уларнинг фикрича, гуруҳдаги ҳамкорликдаги фаолият идрок ва хотиранинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиб, фикрлаш жараёнини тезлаштиради ва фаолиятни самаралироқ қилади. Айрим жуда жиддий ва мураккаб ижод дақиқаларини инobatга олмаганда, яхши ташкил этилган дарс жараёни, ундаги фаолият шакли индивидуал тафаккурнинг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу нарса исбот қилинганки, жамоада ишлаш кўплаб ностандарт фикрларнинг туғилиши, уларнинг ичидан энг яхшиларининг сараланиши ва янгидан янги ғояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўларкан.

Ана шундай самара берувчи методикалардан бири «брейнсторминг» деб аталиб, унинг луғавий маъноси «мияни забт этиш»дир («мозговая атака» русча - «браинсторминг» ингл.). Уни ўтказиш қуйидаги тамойилларга асосланган:

Баъзи интеллектуал масалаларни ечишда битта ечим билан чекланиб бўлмайди ва шу мақсадда ижодий фикрловчилар гуруҳи ташкил этилади ва бу жараёнда «гуруҳий эффе́кт» бўлиши кутилади. Гуруҳ иши тез ва оптимал қарорлар қабул қилишга қаратилган бўлади ва бунда алоҳида айрим индивидуал қарорларга таъсирланишга йўл қўйилмайди.

Гуруҳга шундай кимсалар киритиладики, улар бир-бирларидан фикрлаш услубларининг ноёблиги билан фарқ қиладилар. Масалан, кимдadir мантиқийлик устун, кимдир креатив, кимдир танқидчи ва шунга ўхшаш.

Гуруҳда шундай ижодийлик руҳи бўлиши керакки, ҳар ким хоҳлаган фикрини бемалол айтаверади, у ёки бу фикр танқид қилиниши мумкин, лекин унинг эгаси танқид қилинмайди. Бундай шароитда ўртача интеллектуал

даражага эга бўлган шахс ҳам шундай фикрлар изхор қила бошлайдики, улар алоҳида қолган пайтида сира ҳам мияга келмаган бўларди.

Биз юқорида тафаккурни индивидуал хусусиятлари ва ушбу жараёнга хос бўлган умумий қонуниятларни ўргандик. Лекин аслида мақсад шундайки, ҳар бир шахс ўзидаги тафаккур ва фикрлаш жараёнларининг ўзига хос томонини билган холда уни ўстириш йўллари билиши керак. Охириги йилларда психологларнинг ўтказган тадқиқотлари ва кузатишлари шуни кўрсатдики, фикрлаш жараёнларини гуруҳ шароитида, дарс пайтида ҳам ўстириш ва бунга қисқа йўллар билан эришиш мумкин экан. Уларнинг фикрича, гуруҳдаги ҳамкорликдаги фаолият идрок ва хотиранинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатиб, фикрлаш жараёнини тезлаштиради ва фаолиятни самаралироқ қилади. Айрим жуда жиддий ва мураккаб ижод дақиқаларини инобатга олмаганда, яхши ташкил этилган дарс жараёни, ундаги фаолият шакли индивидуал тафаккурнинг ҳам ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу нарса исбот қилинганки, жамоада ишлаш кўплаб ноцандарт фикрларнинг туғилиши, уларнинг ичидан энг яхшиларининг сараланиши ва янгидан янги ғояларнинг пайдо бўлишига сабаб бўларкан.

Ана шундай самара берувчи методикалардан бири «брейнцорминг» деб аталиб, унинг луғавий маъноси «мияни забт этиш»дир («мозговая атака» русча - «браинсторминг» ингл.). Уни ўтказиш қуйидаги тамойилларга асосланган:

Баъзи интеллектуал масалаларни ечишда битта ечим билан чекланиб бўлмайди ва шу мақсадда ижодий фикрловчилар гуруҳи ташкил этилади ва бу жараёнда «группавий эффект» бўлиши кутилади. Гуруҳ иши тез ва оптимал қарорлар қабул қилишга қаратилган бўлади ва бунда алоҳида айрим индивидуал қарорларга таъсирланишга йўл қўйилмайди.

Гуруҳга шундай кимсалар киритиладики, улар бир-бирларидан фикрлаш услубларининг ноёблиги билан фарқ қиладилар. Масалан, кимдadir мантиқийлик уцун, кимдир креактив, кимдир танқидчи ва шунга ўхшаш.

Гуруҳда шундай ижодийлик руҳи бўлиши керакки, ҳар ким хоҳлаган фикрини бемалол айтаверади, у ёки бу фикр танқид қилиниши мумкин, лекин унинг эгаси танқид қилинмайди. Бундай шароитда ўртача интеллектуал даражага эга бўлган шахс ҳам шундай фикрлар изхор қила бошлайдики, улар алоҳида қолган пайтида сира ҳам мияга келмаган бўларди.

Замонавий давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бугунги кунга келиб, тўлиқ илмий-техникавий тараққиётга бўлиб қолгани, бу соҳадаги илғор ўзгаришларнинг эса, аввало, мутахассис кадрларда ижодий салоҳият шакллантирилишини тақозолаши туфайли ижодий тафаккур ҳамда креатив қобилиятларни ривожлантиришнинг амалий имкониятларини аниқлаш, бу мақсадга хизмат қилувчи самарадор педагогик-психологик технологияларни ишлаб чиқишга психология фанидаги долзарб муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Шу сабабли бугунги кунгача турли концептуал асослар негизида услубий ишнинг ҳар хил шакллари таянган кўплаб муаллифлар шахс интеллектуал соҳасида креативлик сифатининг даражасини оширишга ёрдам берувчи восита сифатида хилма хил методикаларни тавсия этадилар.

Ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш, уни ҳар томонлама такомиллаштириш педагог ва психологлар олдида турган муҳим муаммолардан биридир. Бу муаммони ижобий ҳал қилишнинг ягона усули – таълим-тарбия жараёнини оқилона ташкил этишдан ибрат.

Таълим жараёнини оқилона ташкил этишга таълимда муаммоли вазиятларни яратиш, машғулотларни олиб боришда индивидуал ёндошиш кабиларни киритиш мумкин. Шунингдек, бизнинг назаримизда юқоридагиларга қўшимча сифатида мустақил дарсларда махсус психологик ва педагогик тренинглар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Бундай тренинг машғулотлари барча ўқувчилар учун фойдалидир, айниқса ўқув ишларининг ҳар хил турларини бажаришга сезиларли қийинчиликларни бошдан кечирадиган ўқувчиларга янги ўқув материални тушунишига, уни эслаб қилишига ва ўзлаштиришига катта ёрдам беради.

Ижодий тафаккур таркибига тафаккурнинг эгилувчанлиги, равонлиги, сезувчанлиги каби сифатлари киради. Ижодий тафаккурнинг шаклларида бири бўлган эгилувчанлиги (флексибиллик) тафаккурнинг бир қолипдалиги ва шаблонлиги (регидлик)ни енгади ва бу сифат турли топшириқ ҳамда муаммоларни енгил ечишда кўринади.

Польшалик психолог З.Петрессинский ўз тажрибаларида тафаккур эгилувчанлигини қуйидаги мисолларда тушунтирадию синалувчи ўқувчилар уч дақиқа давомида коптокдан қанчалик кўп фойдаланиш мумкинлигини айтиш топшириғини оладилар. Синалувчилар жавоблари асосида З.Петремминский фикр юритишнинг уч типик шаклини келтиради:

Биринчи тип – синалувчилар коптокдан қуйидагилар учун фойдаланиш мумкин деб таклиф қилган: а) волейбол; б) баскетбол; в) футбол учун; г) икки команда бўлиб копток ўйнаш учун; д) гандбол учун.

Иккинчи тип – синалувчилар худди ўша объектни (коптокни) қуйидагилар учун фойдаланиш мумкин деб хулоса қилганлар: а) майсазорда ўйнаш учун; б) бошқа спорт ўйинлари учун; в) устига ўтириш учун, г) барабан учун; д) сузиш учун.

Учинчи тип – синалувчилар қуйидагилар учун фойдаланиш мумкин деб кўрсатишган: а) юк учун; б) глобус учун; в) безатиш учун; г) ўйинчок учун; д) муסיқий асбоб учун.

Ижодий тафаккурнинг ўзига хослиги ижод қилишнинг ҳали ўрганилмаган воқеа ва ходисаларни умумлаштириш, одатдан ташқари ажойиб, оригинал ғояларни яратишда намоён бўлади. Булар ижодий тафаккурнинг асосий факторларидан бўлиб ўзига хос тарзда ижодий жараёни бошқаради.

Ўқувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантиришда қуйидаги психологик масалалардан фойдаланиш мумкин:

1. Ҳикояга сарлавҳа қўйиш. Ҳикоялар кичик ҳажмда, қуйидаги кўринишларда соддадан мураккабга қараб тузилган бўлиши мумкин.

Масалан: “Эндигина 4 ёшга тўлган Илҳом қишлоқда яшар эди, лекин у ўқишни, санашни, пионино чалишни, ёзишни билар эди”.

Бу каби ҳикояга тўғри (ўзига) хос сарлавҳа қуйидагича бўлиши мумкин: “олимлар учун топишмоқ”, “Янги Эйнштейн”, “Зерикарли мактаб”, “Туғма истеъдод” ва бошқалар.

2. Ғайриоддий ходисаларнинг ўзига хос сабабларини ихтиро қилиш. Масалан: “Пакана одам 16-чи қаватда яшайди. У ҳар куни эрталаб лифтда пастга тушиб ишга бориб келади. Ишдан қайтаётганда 10 қаватгача лифтда кўтарилиб, қолган 6 қаватга пиёда кўтарилади. Нега у шундай қилади?” бунда синалувчиар бир қатор жавобларни келтирадилар: а) жисмоний тарбия билан шуғулланади; б) 10-чи қаватдаги дўстининг уйига кириб чиқади; в) у семиз бўлса озмоқчидир; г) унинг бўйи пакана бўлганлиги учун, лифт кнопоклари бир қаторда жойлашган бўлса, 16-қават кнопкасига бўйи етмайди.

3. Муаммони идрок қила олиш хусусияти ва уни тушунтириш шахсда ижодий тафаккур асоси бўла олади. Масалан: Шахснинг муаммони идрок қила олишлик хусусиятини ва тушуниш қобилиятини қуйидаги мисолда кўриш мумкин:

1. Учбурчакнинг бурчаклари қуйидагича:

90^0 45^0 50^0

Муаммони идрок қила оладиган болалар бу масаланинг нотўғри берилганлигини, чунки учбурчаклар ички бурчакларининг йиғиндиси 180 градусдан ошмаслигини дархол пайқайди. Бу эса масаланинг энг осон ва тўғри ечими ҳисобланади.

4. Ижодий тафаккурни ривожлантиришда берилган 10 та сўздан ҳикоя тузиш вазифасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан: уй, қишлоқ, майдон, учрашув, чаққон, кўкат, ширин, ишчи, боғ.

“Қишлоқдаги уйимизнинг майдони жуда катта эди. Дадам ишчилар билан учрашиб майдоннинг бир қисмини боғ, бир қисмини кўкатзор, бир қисмида эса ширин-шакар полиз экинлари экишни келишиб олдилар. Дадам

ишчилардан ишни тезроқ охирига етказиш учун чакқонроқ ишлашларини илтимос қилдилар”.

Ўқув фаолиятида юқорида келтирилган вазиятлар жуда содда бўлиб туюлсада, ана шундай ҳар томонлама ёндашиб бажариш мумкин бўлган муаммолар ўқувчилар ижодий тафаккурини ўстиришга ёрдам беради.

Худди шундай ижоди тафаккурни ривожлантиришда қуйидаги тернинг машғулотларидан фойдаланиш мумкин:

“Гап тузиш” машқи.

Ўқувчиларга ўзаро боғланмаган 3 та сўз берилади – дарё, айиқ, қалам. Топшириқнинг бошқа вариантлари (қалам, ракета, китоб), (кўча, кўзойнак, сумка), (стол, фартук, ботинка).

Қўлланма: юқорида берилган 3 та сўзни албатта таркибига киритиб илоди борича кўпроқ гап тузиш лозим (бунда бошқа сўз қўшимчаларини, келишиқ қўшимчаларини қўшиш мумкин). Биринчи машғулотда дастлабки икки вариант таклиф этилади. Топшириқни бажариш вақти чегаранлаган: 10 дақиқа вақт берилади, кейин эса яна 10 дақиқа вақт тузилган гапларни муҳокама қилишга берилади.

Жавоблар ҳар хил бўлиши мумкин. “Айиқ қаламни дарёга тушириб юборди”, “Бола қалам олиб, дарёда чўмилаётган айиқ расмини чизди”, “Қаламдай озғин бола, дарё олдида туриб, айиқдай бўқирди”.

Бу ўйин ижодий фикрлаш, ташқи боғлиқ бўлмаган сўзлар орасида муносабатларни аниқлаш қобилиятларини ривожлантиради.

“Умумийликни излаш” машқи.

Ўқувчиларга ўзаро боғлиқ бўлмаган икки сўз таклиф этилади. Масалан: Консерва банка ва пиёла, уй ва дарахт, қайиқ ва ручка, дарахт ва дафтар, бўр ва ун, қалам ва кўмир. Ўқувчилар 10 дақиқа ичида берилган сўзлар жуфти учун иложи борича умумий белгиларни топиши мумкин. Сўзларга янгича мазмун бериладиган ғайри-оддий жавоблар қадрланади.

Гуруҳ билан иш олиб борганда, барча ўқувчиларнинг жавобларини тинглаш лозим. Ўйинда энг кўп белгилар рўйхатини таклиф этган ўқувчи

ғолиб бўлади. Ўқувчилар умумий белгилар айтганда бу белгилар учун қанчалик муҳим эканлигига эътибор беришлари лозим.

“Нима ортиқча” машқи.

Ўқувчиларга исталган 3 сўз таклиф қилинади:

- а) қушлар, тулки, бодринг;
- б) ит, помидор, қуёш;
- в) сигир, пайпоқ, ўт;
- г) ғоз, қурбақа, сочик;
- д) сув, шамол, ойна.

Ўқувчилар берилган уч сўздан нимаси биландир ўхшаш икки сўзни қолдиришлари керак. Ўхшашлик хусусияти бўлмаган бир сўз ортиқча бўлиши мумкин. Қолдирилган сўзлар жуфтини бирлаштирадиган белгиларни иложи борича кўпроқ топиш лозим.

Жавоблар қуйидагича бўлиши мумкин: қушлар – тулки – бодринг

а) “бодринг” сўзи ортиқча бўлиши мумкин. Бодринг – жонсиз предмет, қушлар ва тулки – жонли.

б) “қушлар” сўзи ортиқча бўлиши мумкин. Бу сўз кўпликда берилган, қолган сўзлар birlikда ифодаланган.

Ит – помидор – қуёш

- а) “ит” сўзи ортиқча, қолган иккитаси думалоқ, қизил рангда бўлади.
- б) “ит” сўзи ортиқча – у жонли, қолган иккита сўз жонсиз.
- в) “ит” сўзи ортиқча, бу сўз унли ҳарфдан бошланган.

Энг кўп жавоб топган ўқувчи ғолиб бўлади. Ота-оналар фарзандлари билан индивидуал ишлаганларида бундай машғулотларни бажариб, сўнгра муҳокама қилиш лозим. Гуруҳ билан ишлаганда барча ўқувчиларнинг жавоблари ҳар хил ва оригинал бўлиши мумкин.

Бу машқ предметларнинг хусусиятларини таърифлаш, предметларни маълум кўрсаткичлар орқали таққослаш қобилиятларини шакллантиради. Ўйин ўқувчиларда предметларни турли белгисига кўра бирлаштириш

имкониятларини фақат бир ечим билан чегараланиб қолмасдан, ижодий фикрлашга ўргатади.

Ўхшаш хусусиятига эга бўлган предметларни излаш қандайдир сўзлар айтилади. Масалан, эчки, пилесос, поезд, вертолёт, вентилятор, тарвуз, кўғирчоқ, душ ва бошқалар. Топширикни бажариш вақти чегараланган. Ҳар бир сўзга 5 дақиқа берилади.

Ўқувчиларга берилган сўзларга ўхшаш бўлган предметларни иложи борича кўпроқ ёзиш вазифаси таклиф этилади. У ёки бу предметни айтганда берилган сўз билан нимаси ўхшашлигига қараб айтиш лозим.

Масалан, эчки сўзига от, сигир сўзларини айтиш мумкин. Автобус, автомобиль, самолёт сўзлари айтилиши мумкин. Улар транспорт воситалари. Ҳар бир янги топширикни бошлашдан олдин илгари ўйиндаги топшириқларни эсга тушириб олиш лозим. Юқоридаги биз таклиф этган мустақил тафаккурни ривожлантириш бўйича тренинг машқларидан мактаб психологлари, тарбиячилар, ўқитувчилар фойдаланишлари мумкин.

II.2. Ўсмир ўқувчилар билиш фаоллиги ва иқтидорини ўрганиш усули

Республика олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, халқ таълими вазирлигининг “Иқтидорли ёшлар билан ишлаш дастури”ни бажариш аввало иқтидорли ёшларни қандай мезонлар асосида танлаб олиш ва тўғри такомиллаштириб, ривожлантириш кераклигини илмий асослашни тақозо этади. Жумладан, ҳозиргача иқтидорли талабаларни танлаш ва ривожлантириш ҳар хил касб ва соҳалар йўналишлари бўйича илмий асосланган дастурга ва мезонга эга эмас. Шу маънода ушбу йўналиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Хўш, иқтидорли талабанинг иқтидорлик даражаси қандай аниқланади ва уни қандай ривожлантирилади?

Иқтидорлилик белгиси аввало ҳар бир соҳа мутахассислик ёки фан бўйича мутасадди мураббийлар томонидан аниқлаб олинади. Бунда битта “қолип”га тушадиган мезон ёки ўлчов бўлиши мумкин эмас.

Иқтидорлиликни аниқлаш индивидуал имкониятларни ҳисобга олиш тамайилига асосланган бўлиши муҳим ҳисобланади. Бу жараён биринчи босқичда шахсни иқтидорли деб тан олишни белгиловчи сифатларнинг энг муҳимларининг рўйхатини тузиб олишни талаб қилади (дастлабки мезон).

Иккинчи босқичда эса ана шу белгиларни такомиллаштириш ва ривожлантириш шароитларининг мувофиқлигини таъминловчи вазифаларни шакллантириш ва уни ҳал қилиш йўналишини тўғри белгилаб олиш зарур.

Учинчи босқичда шахсни тавсифловчи иқтидорлилик белгиларининг қай даражада ривожланиб такомиллашиб бораётганлигини баҳолаш ишлари амалга оширилади.

Тўртинчи босқичда белгиланган иқтидорлиликни белгиловчи кучли ва кучсиз (бўш) томонлари рўйхати тузилиб қайтадан такомиллаштириш режаси ишлаб чиқилади.

Бешинчи юсқичда белгиланган муддатда такомиллаштириш зарур бўлган иқтидорлилик белгилари ҳолати натижалари таҳлил қилинади.

Иқтидорлиликнинг барча белги ва сифатларини умумий ҳолда икки гуруҳга булиш мумкин (1 босқич):

I. Ҳар томонлама алоқалар сифатларини белгиловчи (“коммуникатив”) хусусиятлари гуруҳи:

- 1) Ўзига бўлган ишонч;
- 2) Танқидга, ўзига билдирилган салбий фикрларга муносабати;
- 3) Ишни батартиб бажариш қобилияти (тактикали);
- 4) Уддабуронлиги;
- 5) Жонкуярлиги;
- 6) Умуминсоний фазилати;
- 7) Кишиларга ёқимлилиги, яхшилиги ва ҳоказо.

II. “Ишчи” хусусиятлари гуруҳи:

- 1) Мақсад сари интилувчанлиги;
- 2) Моҳирлиги ва сифатлиликка мойиллиги;
- 3) Фқирда қатъийлиги;

- 4) Вазиятни тез ва чуқур англай олиши;
- 5) Мустақиллиги;
- 6) Ҳаракатчанлиги;
- 7) Ташаббускорлиги ва ҳоказолар.

Мазкур белгиланишлар етарли бўлмаса уни шароитдан келиб чиқиб ўзгартириш (кенгайтириш) ҳам мумкин.

Бошланғич савиядан юқори савияларга такомиллаштириш босқичлари кетма-кет оғишмай амалга ошишини таъминлаш мақсадида биз томонимиздан бир неча даражадаги мезон ишлаб чиқилди (II босқич).

1-даража. Масала (муаммо)ни раҳбарнинг ўзи қўяди ва ўзи ечади. Ўқувчи уни ўрганиб чиқади ва ёдида сақлайди.

2-даража. Раҳбар масала ёки бирон муаммони қўяди, уни ҳал қилиш шартларини тушунтиради, мумкин бўлган барча вариантлари билан таништиради ва шулар ичидан энг самаралисини танлашни таклиф қилади.

3-даража. Раҳбар фақат муаммо ва топшириқни айтади. Ўқувчига уни ҳар томонлама тадқиқот қилиш ва ҳал қилиш юклатилади.

4-даража. Ўқувчининг ўзи бронта муаммони танлайди ва уни ўзи ҳал қилади.

Иқтидорлилик хусусияти ва белгиларининг қай даражада муваффақиятли такомиллашаётганини баҳолаш учун (III босқич) уч балли тизимдан фойдаланилади. Ўқувчининг тўлиқ бажарилишини “2” рақами билан, қисман бажарилишини “1” билан, бажарилмаганини “0” билан белгилаймиз.

Юқоридаги бизнинг мисолда иқтидорлиликни белгиловчи сифатларнинг икки гуруҳи бўйича такомиллаштириш даражасини аниқлашда ҳар бир гуруҳдаги 7 тадан, жами 14 та ўқувчини эътиборга олганда, унинг тўлиқ бажарилиши учун ўқувчи (“2” баллдан 14x2) 28 баллгача эга бўлиши керак ва бу 100 фоизга тўғри келади.

Айтилганларни жадвал тарихида куйидагича ифодалаш мумкин:

<i>Асосий талаблар</i>	<i>Шахнинг иқтидорлилик сифатлари</i>	
	<i>Алоқадор ("Коммуникатив") сифатлар гуруҳи</i>	<i>"Ишчи" хусусиятлари гуруҳи</i>
1	2	0
2	1	1
3	0	0
4	1	1
5	1	0
6	2	2
7	0	2
Баллар	7	6

Ҳозирги ҳолда жадвалдаги бўйича ўқувчиларнинг иқтидорлилик савияси бошланғич даражага, яъни:

$$Q = \frac{13}{28} 100\% = 47\% \quad \text{га тўғри келади.}$$

Табиийки, ҳар хил шароитларда масалаларнинг қўйилишига мураккаблигига мос ҳолда талаб бандлари сони ва мос ҳолда умумий баллар сони ҳам бошқача бўлиши мумкин.


Мазкур жадвал асосида раҳбар ҳар бир ўқувчининг қайси талабни "тўлиқ", "қисман" ва "бажармаган"лиги ҳақидаги маълумотга эга бўлиб, иш бўйича унга керакли маслаҳатлар берилади.

Масалан, бизнинг ҳолда "коммуникатив" хусусиятлар гуруҳидаги 3 банди ва "ишчи" хусусиятлари гуруҳидаги 1-банд, 3-банд ҳамда 5-бандларга асосий эътиборни қаратиш зарур бўлади ва шу бўйича уни ривожлантириш устида кўпроқ иш олиб бориш белгиланади. Ундан кейин эса ўқувчининг "1"

балл билан баҳоланган (ўқувчининг “қисман” бажарилиши) банди бўйича маслаҳатлар берилади.

Ишга бунга ёндошиш, яъни иқтидорлилик сифатларини аниқ белгилаб, уни чуқур таҳлил қилиш билан тегишли зарур маслаҳатлар бериб тузатиш, ўқувчиларнинг иқтидорлилик фаолиятини мувофиқ бошқариш имконини берибгина қолмасдан, ўқувчининг қайси сифатини кўпроқ ривожлантириш зарурлигини пайқаб, унга маъсулият билан қарашга ва бўлажак касбига тушунган ҳолда меҳр қўйишига олиб келади.

5-босқичда ўқувчи иқтидорлилик белгиси ва хусусиятларининг қай даражада такомиллашганлигини кўрсатувчи график қилинади. Бунинг учун абцисса ўқиға маълум масштабда иқтидорликни белгиловчи хусусиятлари гуруҳлари иккига бўлиниб, унинг икки томонига қўйилади. Ордината ўқиға эса ана шу мезонларни баҳолаш баллари қўйилади. Графикда иқтидорли ўқувчи қайси сифати кучсиз эканлиги яққол кўринади. График ҳар ойда тузилиб, аввалгиси билан таққосланиб таҳлил қилинади ва тегишли маслаҳатлар берилади.



Жадвал ва график асосида иқтидорли ўқувчини келажакда қайси хусусиятини такомиллаштириш зарурлиги бўйича аниқ рўйхат қилиниб, олдинги босқичлардаги машқлар яна қайтарилади ва у юқори даража “2” га етгунча такрорланади. Бунинг учун ҳар ой якунида кўзда тутилган натижага эришганлиги қатъий текширилади ва бу иш ҳатто бир неча йил давом эттирилиши мумкин (ўқувчи ўқишни битиргунча).

Хулоса қилиб айтганда иқтидорли ўқувчиларни такомиллаштириш жараёнида бизга шу нарса маълум бўлдики, иқтидорликни шахсий сифат ва хусусиятларни бевосита ўқув жараёнида шакллантириш зарур бўлибгина қолмасдан, уни ривожлантириш бугунги педагог-мураббийларнинг муҳим вазифаси ва бурчи ҳамдир.

Бу туб моҳияти билан иқтидорлиликни такомиллаштиришдаги дастлабки қадамдир.

2.3. МАТТ ёрдами ўсмир ўқувчилар билиш фаоллигини диагностика қилиш

Бу мақсадда ақлий даражани аниқлайдиган мактаб тестидан (ШТУР-МАТТ) фойдаланиш мумкин. Тест рус психологи К.М.Гуреевич томонидан ишлаб чиқилган ва ўсмирлар ҳамда ёшларнинг (9—11 синфлар) ақлий ривожланишини ташхис қилиш учун мўлжалланган. Унинг таркибида қуйидаги олтига субтестлар бўлган топшириқлар тўпламидан иборат: «билимдонлик» (2 та субтест), «аналогия («ўхшашлик»)), «классификации» («гурухлаштириш»), «умумлаштириш», «сонли қаторлар». Тест ўзаро эквивалент бўлган А ва Б шакллардан иборат.

Тест олишни тўғри амалга ошириш учун йўриқномага қатъий амал қилиш керак, тест бажариш учун сарфланаётган вақтни назорат қилиш (секундомер ёрдамида), синалувчиларнинг йўналтирувчи ва қўшимча саволларига жавоб бермаслик керак.

Субтест номери	Ундаги топшириқлар сони	Бажариш вақти, мин.
1. «Билимдонлик I»	20	8
2. «Билимдонлик 2»	20	4
3. «Аналогия»	25	10
4. «Классификациялаш»	20	7
5. «Умумлаштириш»	19	8
6. «Сонли қаторлар»	15	7

Ишни бошлашдан олдин психолог синовнинг мақсадини тушунтиради ва тест бажарувчиларда шунга мос кайфиятни вужудга келтиради. Бунинг учун у уларга куйидаги сўзлар билан мурожаат қилади: «Хозир Сизларга топшириқлар берилади. Улар Сизнинг мулоҳаза қилиш, атроф оламдаги нарса ва Ҳодисаларни солиштириш, Ҳамда улардаги умумийлик ва фарқларни топа олиш қобилиятингизни аниқлаш учун Ҳизмат қиладин. Бу топшириқлар синфда предметларни ўрганиш вақтида бажариладиган топшириқлардан фарқ қилади. Сиз жавобларингизни берилган махсус жадвалларга ёзишингиз керак.

Сиз бир неча тўпладан иборат топшириқларни бажарасиз. Ҳар қайси тўпладани тақдим Сизга этиш ва уни бажаришга киришишдан олдин шу гуруҳдаги топшириқларнинг умумий хусусиятлари ва уларни бажариш тартиби бир неча мисоллар ёрдамида тушунтирилади.

Субтестларни бажаришга мисоллар.

№1 топшириқни бажаришга мисоллар

Топшириқлар сўров кўринишидаги жумлалардан иборат. Уларнинг Ҳар қайсинида битта сўз этишмайди. Сиз берилган бешти сўздан жумлага мантиқан мос келадиган тўғри жавобни кўрсатишингиз керак. Танлаган сўзингиз номерини жавоб варақасига ёзинг. Фақат битта сўзни ва номерни белгиланг.

Мисол: Маъноси бўйича «таржимаи ҳол» ва ... сўзи бир хилдир:

а) тасодиф, б) жасорат, в) хаётининг баёни, г) китоб, д) ёзувчи.

Тўғри жавоб хаётининг баёни бўлади. Ўшани белгилаш керак.

Бошқа мисол: «Салбий» сўзига қарама-қарши маънодаги сўз...?

а) мос бўлмаган, б) мунозарали, в) муҳим, г) тасодифий, д) ижобий.

Бу холда тўғри жавоб «ижобий» бўлади.

№2 топшириқни бажаришга мисоллар

Тест варағининг чап томонида биринчи бўлиб ёзилган сўзга ўнг томонда берилган тўртта сўздан мазмунан мос келадиган биттасини (синонимини) танлаб кўрсатинг. Танлаган сўзингиз номерини жавоб варақасига ёзинг. Фақат битта сўзни ва номерни белгиланг.

Мисол: Аср — а) тарих, б) юз йил в) воқеа, г) тараққиёт.

Тўғри жавоб «юз йил». Шунинг учун уни белгиланг.

Бошқа мисол: Олдиндан айтиш — а) об-ҳаво, б) маълумотнома, в) башорат, г) сабаб.

Бу ерда тўғри жавоб «башорат». Ўшани белгилаш керак.

№3 топшириқни бажаришга мисоллар

Сизга учта сўз таклиф этилади. Биринчи ва иккинчи сўзлар ўртасида муайян боғланиш мавжуд. Сизга берилган учинчи сўз билан танлаш учун берилган пастдаги бешта сўздан биттасининг ўртасида ҳам худди шундай боғланиш бор. Сиз ана шу сўзни топиб белгилашингиз лозим.

Танлаган сўзингиз номерини жавоб варақасига ёзинг. Фақат битта сўзни ва номерни белгиланг.

Мисол: Қўшиқ: бастакор қ самолёт: ?

а) аэропорт, б) учиш, в) конструктор, г) ёқилғи, д) қирувчи.

Тўғри жавоб — «конструктор». Ўшани белгилаш керак.

Кейинги мисол: Яхшилик: ёмонлик қ кун: ?

а) қуёш, б) тун, в) ҳафта, г) чоршанба, д) вақт.

Бу ерда тўғри жавоб «тун». Ўшани белгилаш керак.

№4 топширикни бажаришга мисоллар

Сизга бешта сўз берилади. Улардан тўрттаси битта умумий белгига эга. Бешинчи сўз уларга мазмунан мос келмайди. Ўшани топиб белгилаш керак. Танлаган сўзин-гиз номерини жавоб варақасига ёзинг. Фақат битта сўзни ва номерни белгиланг.

Мисол: а) тарелка, б) пиёла, в) стол, г) қошиқ, д) чойнак. Биринчи, иккинчи ва тўртинчи, бешинчи сўзлар идиш-товоқларга, учинчи сўз мебелга киради. Ўшани белгилаш керак.

Кейинги мисол: а) юрмоқ, б) сакрамоқ, в) рақс тушмоқ, г) ўтирмоқ, б) югурмоқ.

Бу ерда тўртта сўз ҳаракатни, фақат биттаси – ўтирмоқ ҳарактсизликни билдирадию Шунинг учун у ортиқча.

№5 топширикни бажаришга мисоллар

Сизга бир жуфт сўз берилади. Улар учун умумий бўлган хусусиятни ифодалайдиган сўзни топинг. Бунда шунга эътибор бериш керакки, мавжуд барча умумий хусусиятлардан иложи борича бевосита шу икки нарсага энг яқин ва энг хос хусусиятни топиб ёзиш керак. Жавобингизни сўзлар жуфтлигининг ёнига ёзинг.

Мисол: Арча — қарағай; тўғри жавоблар «Дарахтлар», «Доимий яшил ўсимликлар», «Нинабаргли дарахтлар». Энг тўғри жавоб «Нинабаргли дарахтлар». Шу сўзни ёзиш тўғрироқ бўлади.

Кейинги мисол: Ёмғир — дўл; тўғри жавоблар «Атмосфера ходисалари», «Об-ҳавонинг ҳолатлари», «Ёғингарчиликлар». Энг тўғри жавоб «Ёғингарчиликлар». Шу сўзни ёзиш тўғрироқ бўлади.

№6 топширикни бажаришга мисоллар

Сизнинг эътиборингизга муайян қоида асосида жойлаштирилган сонлар қатори ҳавола этилади. Сизнинг вазифангиз уч нукта ўрнига шу қаторни тўғри давом эттириши мумкин бўлган навбатдаги рақамни топиб ёзишдан иборат. Айрим топшириқларни бажариш учун хаёлан (дилда) ёки

ёзма равишда бир қанча арифметик амалларни – қўшиш, айириш, кўпайтириш, бўлишларни бажаришга тўғри келади.

Мисол: 2 4 6 8 ...

Бу қаторда ҳар қайси кейинги рақам олдингисидан 2 тага ортиқ. Шунинг учун уч нуқта ўрнига 10 рақами ёзилиши керак.

Кейинги мисол: 9 7 10 8 11 9 12 ...

Бу қаторда навбати билан кейинги рақамларга олдин 2 қўшилиб кейин 3 айирилади. Шунинг учун уч нуқта ўрнига 10 бўлиши керак.

Ҳар қайси гуруҳдаги топшириқларни бажариш учун қатъий чекланган вақт берилади. Шу вақт тугагач, нечта топшириқни бажаришга улгуришингиздан қатъий назар топшириқни бажариш тўхтатилади. Ишни бажариш ва тўхтатишда менинг кўрсатмаларимга амал қиласиз. Топшириқларни бир бошдан бажариш керак. Бирорта топшириқда узок вақт ушланиб қолиб вақтни йўқотманг – тушунарсиз кўринган ёки бажара олмаган топшириқингизни қолдириб дарров кейингисига ўтинг. Топшириқларни бажариш вақтида ақлингиз ва фикрингизни бир жойга тўпланг, бошқа шерикларингизга мурожаат қилманга, бир-бирингизга ҳалақит берманг. Тез ва хатосиз ишлашга ҳаракат қилинг.»

Бу кўрсатмадан сўнг психолог тестлар ёзилган варақларни таркатади ва унга синалувчиларнинг фамилияси ва исми, синфи, санани ёзишни сўрайди. Ҳамма буни бажариб бўлгандан сўнг психолог синолувчиларда ручкаларни столга қўйишни ва уни диққат билан тинглашни сўрайди. Кейин у биринчи субтестдаги топшириқлар-нинг хусусияти ва бажариш қоидасини мисоллар ёрдамида тушунтиради, кимларда саволлар борлигини сўрайди. Агар саволлар бўлса яна бир бор субтестни бажариш тартибини тушунтиради. Шундан сўнг синалувчиларга ўз жавобларини махсус жавоб варақасига тушириш тартибини тушунтириб, ишни бажаришга киришишга рухсат берилади. Айти вақтда уларга сездирмаган ҳолда (уларнинг диққатини четга тортмаслик ва асабийлаштирмаслик учун) секундомерни юргизилади. Белгиланган вақт тугагач психолог қатъий тартибда ручкаларни столга

кўйишни таклиф қилади ва кейинги субтестни бажариш тартибини тушунтиради.

Тестни бажариш вақтида барча ўқувчилар психологнинг кўрсатмаларингизга қатъий амал қилишларини назорат қилиб бориш лозим.

Тест натижаларини қайта ишлаш.

1. Ҳар бир ўқувчининг ҳар қайси субтест бўйича шахсий кўрсаткичлари (№ 5 топшириқдан ташқари) тўғри топилган жавоблар учун белгиланган балларни қўшиш орқали топилади. Ҳар қайси тўғри жавоб учун 1 баллдан берилади. Масалан, агар ўқувчи № 3 топшириқда 13 та саволга тўғри жавоб берган бўлса, унинг шу субтест бўйича тўплаган баллари ҳам 13 бўлади.

2. № 5 субтестнинг бўйича баллар умумлаштириш юзасидан берилган жавобларнинг сифатига қараб белгиланади. Энг тўғри, берилган жуфтлик сўзларга монанд жавобларга 2 балл, кенг маъноли умумий жавобларга 1, нотўғри жавобларга 0 балл берилади. Масалан, агар ўқувчи 3—А топшириққа «фан», деб жавоб берса 1 балл олади. Шунингдек тўғри, лекин жуда тор маънодаги, жавоб жадвалидагидан фарқ қиладиган жавобларга ҳам 1 балл берилади. Масалан, 18—А топшириқдаги «адабий йўналиш» деган жавобга. Ушбу субтест бўйича йиғилиши мумкин бўлган энг кўп баллар 38 га тенг. Бу рақам № 5 субтестдаги жавобларнинг 100 фоизи деб олинади.

3. Тест бўйича жами баллар барча субтестлар бўйича тўпланган балларнинг арифметик йиғиндиси кўринишида бўлади. Унинг энг катта қиймати 138 бўлиши мумкин. Баҳони фоизлар кўринишида ҳам ифодалаш лозим. Шунда турли ўқувчиларни ва гуруҳларни солиштириш осонроқ бўлади. Фоиз кўринишидаги баҳо қуйидагича топилади:

$$\% \text{баҳо} = \frac{X}{138} \times 100$$

бунда X – йиғилган барча баллар қиймати.

4. Турли синфлар ва гуруҳларни солиштириш учун асос сифатида ўртача арифметик қиймат, мода ва медиана олинади. Қийматлар қаторида мода – бу энг кўп учрайдиган қиймат, медиана – тўпламнинг ўртасидаги қиймат. Гуруҳларнинг кўрсаткичлари ижтимоий-психологик меъёрларга

қанчалик мос келишини билиш учун хар қайси субтестнинг % ларда бажарилишини кўриш керак. Шу жихатдан субтестларни бажарилиши бўйича 5 та гуруҳчага бўлиб қаралади:

- 1 — юқори – 91-100 % ўқувчи тўғри бажарган;
- 2 — яхши - 81-90 % ўқувчи тўғри бажарган;
- 3 — ўртача – 71-80 % ўқувчи тўғри бажарган;
- 4 — паст – 50-70 % ўқувчи тўғри бажарган;
- 5 — қониқарсиз — 50 % дан кам ўқувчи тўғри бажарган.

Хар қайси гуруҳда ўртача баллар аниқланади. Координаталар системаси тузилиб, абсцисса ўқига гуруҳ номери, ордината ўқига — гуруҳ томонидан топшириқларнинг ўртача бажарилиши туширилади ва график тузилади.

5. Тест яқунлари сифат жихатдан таҳлил қилиш (шахсий ва гуруҳлар бўйича) мантиқий муносабатларни топиш энг қийин бўлган қайидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

А. № 3 топшириқлар тўпламидан қўйидагилар аниқланади: а) тестга киритилган мантиқий боғланишлардан энг осони ва энг қийинлари: тур—туркум (оила), сабаб — оқибат, бутун —бўлак (қисм), қарама-қаршилиқлар, функционал боғланишлар бўйича; б) мантиқий боғланишларни аниқлашдаги типик хатолар; в) тестдаги энг яхши ўзлаштирилган ва энг ёмон ўзлаштирилган соҳалар (адабиёт, тарих, математика, физика, биология) ва мактаб предметлари цикллари (ижтимоий—гуманитар, табиий—илмий, физика — математика).

Б. № 4 тўплам учун қуйидагилар аниқланади: а) қайси мазмундаги топшириқлар яхши, қайсилари ёмон бажарилган; б) қайси типдаги топшириқлар— аниқ ёки мавҳум тушунчалар— ёмон бажарилган, кўп хатоларга сабаб бўлган.

В. № 5 тўпламда қуйидагилар аниқланади: а) типик умумлаштиришларнинг кўриниши (аниқ, турга хос ёки категория белгилари бўйича); б) типик хатоларнинг кўриниши ва қандай тушунчаларда кўп хато қилинган (мавҳум ёки аниқларида), шунингдек хатоларнинг мазмуни.

Тест №1

Кўрсатма: Қўйида келтирилган сўзга мазмунан мос келадиган сўзни топинг ва жавоб вариантыни белгиланган катакчага белгилаб қўйинг!

1. Прогрессив — а) аклий б) илғор, в) чакқон, г) қолок.
2. Бекор қилиш — а) имзо қўйиш, б) рад этиш, в) хабар, г) кечиктириш.
3. Идеал — а) фантазия (ҳаёлот), б) келажак, в) донолик, г) такомиллик.
4. Аргумент — а) асос, б) келишув, в) мунозара, г) жумла.
5. Афсона — а) қадимийлик, б) ижодиёт, в) нақл (матал), г) фан.
6. Ахлоқсиз — а) турғун, б) қийин, в) ёқимсиз, г) бадфёъл.
7. Таҳлил — а) фактлар, б) муҳокама, в) танқид, г) маҳорат.
8. Эталон — а) нусха, б) шакл, в) асос, г) намуна.
9. Сферик — а) чўзинчоқ, б) шарсимон, в) бўш, г) хажмий.
10. Ижтимоий — а) умум кўпчилик томонидан қабул қилинган, б) эркин, в) режалаштирилган, г) жамоат.
11. Гравитация — а) тортилиш, б) итарилиш, в) вазнсизлик, г) кўтариш.
12. Аграр — а) маҳаллий, б) хўжалик, в) ерга оид, г) деҳқончилик.
13. Экспорт — а) сотиш, б) товар маҳсулотлар, в) олиб чиқиш, г) савдо.
14. Эффе́ктив — а) керакли, б) таъсирчан, в) қатъий, г) махсус.
15. Радикал — а) тубдан, б) жавобан, в) охирги, г) қолок.
16. Негатив — а) омадсиз, б) нотўғри, в) салбий, г) эҳтиётсиз.
17. Ахлоқ — а) этика, б) ривожланиш, в) қобилият, г) ҳуқуқ.
18. Такомиллаштирмақ — а) ишламоқ, б) кузатмоқ, в) ўрганмоқ, г) ўзгартирмоқ.
19. Субъектив — а) қиска, б) ижтимоий, в) шахсий, г) яширин.
20. Сертакаллуф — а) шоирона, б) ҳиссиётли, в) шодиёна, г) ғалати.

Тест №2

Кўрсатма: Қўйида келтирилган сўз туркумига мазмунан мос келадиган сўзни топинг ва жавоб вариантыни белгиланган катакчага белгилаб қўйинг!

1. Феъл: тусламоқ - от: ?

- а) ўзгартирмоқ, б) хосил қилмоқ, в) ишлатмоқ, г) турламоқ, д) ёзмоқ.
2. Шакл: учбурчак - модданинг ҳолати: ?
а) суюқлик, б) ҳаракат, в) ҳарорат, г) сув, д) молекула.
3. Иссиқлик: ҳаётнинг фаолият - кислород: ?
а) газ, б) сув, в) ўсимлик, г) ривожланиш, д) нафас олиш.
4. Раъно: гул - капиталист: ?
а) эксплуатация, б) ишчилар, в) одамлар, г) табақа (синф), д) фабрика.
5. Совуқ: иссиқ - ҳаракат: ?
а) инерция, б) сокинлик, в) молекула, г) ҳаво, д) ўзаро таъсир.
6. Таркиб: йиғинди қ биргаликда кўпайтувчилар: ?
а) айирма, б) бўлувчи, в) ҳосила, г) кўпайтириш, д) сон.
7. Сон: миқдор - феъл: ?
а) юрмоқ, б) амал (ҳаракат), в) сифатдош, г) сўз туркуми, д) тусламоқ.
8. Ўсимлик: поя - хужайра: ?
а) ядро, б) хромосома, в) оксил, г) фермент, д) бўлиниш.
9. Яшин: нур - бутун олам тортилиш ходисаси: ?
а) тош, б) ҳаракат, в) оғирилик кучи, г) оғирлик, д) Ер.
10. Шеър: поэзия - ҳикоя: ?
а) китоб, б) ёзувчи, в) повесть, г) сатр, д) проза.
11. Шимол: жануб - ёғингарчилик: ?
а) саҳро, б) қутб, в) ёмғир, г) қурғоқчилик, д) иқлим.
12. Ибтидоий—жамоа тузуми: қулдорлик тузуми қ қулдорлик тузуми: ?
а) социализм, б) капитализм, в) қулдорлар, г) давлат, д) феодализм.
13. Тоғлар: баландлик қ иқлим: ?
а) рельеф, б) температура, в) табиат, г) географик кенглик, д) ўсимликлар.
14. Старт: финиш - муқаддима: ?
а) сарлавҳа, б) кириш, в) кульминация, г) ҳаракат, д) хотима.
15. Уруш: ўлим - хусусий мулк: ?
а) феодаллар, б) капитализм, в) тенгсизлик, г) қуллар, д) хизматкорлар.

16. Диаметр: радиус - айлана: ?

а) ёй, б) сегмент, в) кесма, г) чизик, д) доира.

17. Колумб: саёхатчи зилзила: ?

а) кашф этувчи, б) тоғ ҳосил бўлиши, в) отилиб чиқиш, г) қурбонлар, д) табиат ҳодисаси.

18. Папоротник: спора - қарағай: ?

а) ғудда, б) нина барг, в) ўсимлик, г) уруғ, д) арча.

19. Ҳаво босимининг пасайиши: ёғингарчилик қ антициклон: ?

а) очиқ ҳаво, б) циклон, в) иқлим, г) намлик, д) метеорологик хизмат.

20. Қулдорлар: буржуа - қуллар: ?

а) қулдорлик тузуми, б) буржуазия, в) қулчилик, г) ёлланма ишчилар д) асирлар.

21. Болға: қоқмоқ - генератор: ?

а) уламоқ, б) ишлаб чиқармоқ, в) ёқмоқ, г) ўзгартирмоқ, д) киздирмоқ.

22. Тўғри тўртбурчак: текислик - куб: ?

а) фазо, б) қирра, в) баландлик, г) учбурчак, д) томон.

23. Эпителий: тўқима - аорта: ?

а) юрак, б) ички орган, в) артерия, г) вена, д) қон.

24. Бойлик: қашшоқлик - қарамлик: ?

а) қарам деҳқонлар, б) шахсий эркинлик, в) тенгсизлик, г) хусусий мулк, д) феодал тузум.

25. Роман: боб - шеър: ?

а) поэма, б) қофия, в) сатр, г) вазн, д) жанр.

Тест №3

Кўрсатма: Қўйида келтирилган сўзлардан қайси бири бошқаларидан фарқ қилишини топинг ва жавоб сифатида вариантыни белгиланган каттакчага ёзинг!

1. а) олд қўшимча, б) олд кўмакчи, в) сўз ясовчи қўшима, г) тугалланма, д) ўзак.

2. а) тўғри чизик, б) ромб, в) тўғри тўртбурчак, г) квадрат, д) учбурчак.

3. а) параллел, б) карта, в) меридиан, г) экватор, д) кутб.
4. а) очерк, б) роман, в) ҳикоя, г) мавзу, д) повесть.
5. а) кулдор, б) кул, в) деҳқон, г) ишчи, д) ҳунарманд.
6. а) учбурчак, б) кесма, в) узунлик, г) квадрат, д) доира.
7. а) муқаддима, б) кульминация, в) ахборот, г) ечим, д) хотима.
8. а) адабиёт, б) фан, в) тасвирий санъат, г) архитектура, д) бадиий ҳунармандчилик.
9. а) аорта, б) вена, в) юрак, г) артерия, д) капилляр.
10. а) ифодалаш, б) таққослаш, в) тавсифлаш, г) эртак, д) сўзлаб бериш.
11. а) пейзаж, б) мозаика, в) сурат, г) ўйма нақш, д) мўйқалам.
12. а) цитоплазма, б) озиқланиш, в) ўсиш, г) таъсирланиш, д) кўпайиш.
13. а) ёмғир, б) қор, в) ёғингарчилик, г) қиров, д) дўл.
14. а) тезлик, б) тебраниш, в) куч, г) оғирлик, д) зичлик.
15. а) товар, б) шаҳар, в) ярмарка, г) натурал хўжалик, д) пул.
16. а) Куба, б) Япония, в) Вьетнам, г) Буюк Британия, д) Исландия.
17. а) мақол, б) шеър, в) поэма, г) ҳикоя, д) повесть.
18. а) барометр, б) флюгер, в) термометр, г) компас, д) азимут.
19. а) карбонат ангидрид, б) нур, в) сув, г) крахмал, д) хлорофилл.
20. а) узунлик, б) метр, в) масса, г) ҳажм, д) тезлик.

Тест топшириқлари бўйича синалувчиларнинг натижаларини таҳлил қилишда қуйидагиларга асосланилади. Ҳар бир саволга берилган тўғри жавоб 1-балл билан баҳоланади. Умумий натижа эса,

1, 3 - тестлар учун:

15 – 20 баллар – юқори даража;

7 – 14 баллар – ўрта даража;

6 баллдан паст – паст даража.

2 – тест учун:

16 – 25 баллар – юқори;

9 – 15 баллар – ўртача;

8 ва ундан паст – паст.

Биз тадқиқотимизда МАТТининг 1, 2, 3-субтестлари ёрдамида тадқиқотлар олиб бордик. Ушбу субтестлар аналогия ва умумлаштириш хусусиятларини текшириш имконини беради. Тадқиқотларимизни Термиз шаҳар 7-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиларидан 50 нафаридан олиб бордик ва натижаларга эришдик. Синалувчиларнинг 3-та тест бўйича натижаларини 2.3.1.жадвалда келтирамиз.

2.3.1.жадвал

Синалувчиларнинг 1,2 ва 3-субтестлар бўйича натижалари

№	Синалув-чилар	1-тест аналогия	Натижа	2-тест аналогия	Натижа	3-тест умумлаш-тириш	Натижа
1	А.А	16	юқори	18	юқори	18	юқори
2	А.С.	10	ўрта	8	паст	11	ўрта
3	А.Р.	6	паст	8	паст	5	паст
4	Б.Б.	11	ўрта	10	ўрта	12	ўрта
5	Д.О.	14	ўрта	12	ўрта	13	ўрта
6	Й.Э.	18	юқори	23	юқори	16	юқори
7	Ж.З.	12	ўрта	12	ўрта	10	ўрта
8	Ж.Т.	14	ўрта	11	ўрта	12	ўрта
9	З.Л.	13	ўрта	13	ўрта	14	ўрта
10	З.Ш.	16	юқори	18	юқори	18	юқори
11	З.О.	17	юқори	20	юқори	19	юқори
12	К.А.	11	ўрта	8	паст	13	ўрта
13	К.С.	6	паст	8	паст	5	паст
14	М.А.	13	ўрта	10	ўрта	12	ўрта
15	М.М.	14	ўрта	11	ўрта	12	ўрта
16	М.Ш.	12	ўрта	11	ўрта	14	ўрта
17	М.Ф.	15	юқори	20	юқори	17	юқори
18	М.С.	10	ўрта	8	паст	12	ўрта


19	М.Х.	18	юқори	22	юқори	14	ўрта
20	Н.Ж.	5	паст	8	паст	6	паст
21	Н.Н.	12	ўрта	13	ўрта	13	ўрта
22	Н.Д.	19	юқори	23	юқори	18	юқори
23	Н.Г.	6	паст	8	паст	6	паст
24	Н.Ф.	18	юқори	20	юқори	17	юқори
25	Н.Э.	14	ўрта	12	ўрта	12	ўрта
26	О.Ш.	13	ўрта	11	ўрта	12	ўрта
27	О.Д.	12	ўрта	13	ўрта	14	ўрта
28	О.Ж.	16	юқори	22	юқори	18	юқори
29	П.Р.	13	ўрта	14	ўрта	11	ўрта
30	П.Э.	6	паст	8	паст	5	паст
31	П.Т.	14	ўрта	12	ўрта	12	ўрта
32	Р.Ш.	11	ўрта	8	паст	14	ўрта
33	Р.Н.	6	паст	8	паст	6	паст
34	Р.О.	18	юқори	23	юқори	15	юқори
35	Р.Ф.	19	юқори	22	юқори	16	юқори
36	Р.З.	14	ўрта	13	ўрта	6	паст
37	Р.Р.	14	ўрта	13	ўрта	13	ўрта
38	С.О.	12	ўрта	14	ўрта	14	ўрта
39	С.Д.	13	ўрта	11	ўрта	12	ўрта
40	С.Р.	10	ўрта	12	ўрта	12	ўрта
41	Т.А.	17	юқори	22	юқори	13	ўрта
42	Т.Л.	10	ўрта	13	ўрта	13	ўрта
43	Т.Ж.	12	ўрта	11	ўрта	10	ўрта
44	Т.Ж.	11	ўрта	13	ўрта	12	ўрта
45	Т.Ш.	14	ўрта	12	ўрта	10	ўрта
46	Т.М.	6	паст	7	паст	6	паст
47	Т.А.	16	юқори	20	юқори	19	юқори

48	Х.Ш.	11	ўрта	13	ўрта	13	ўрта
49	Ш.Ш.	13	ўрта	11	ўрта	10	ўрта
50	Э.Ю.	18	юқори	22	юқори	12	ўрта

Биринчи тест бўйича синалувчиланнинг натижажалари қуйидагича бўлди; 50 нафар синалувчидан 14 нафарида аналогик фикрлаш даражаси юқори, бу эса жами синалувчиларнинг 28 %, 29 нафарида аналогик фикрлаш даражаси ўртача, бу эса жами синалувчиларнинг 58 %, 7 нафарида аналогик фикрлаш даражаси паст, бу эса жами синалувчиларнинг 14 % ни ташкил этди. Иккинчи тест бўйича эса 50 нафар синалувчидан 12 нафарида аналогик фикрлаш даражаси юқори, бу эса жами синалувчиларнинг 24 %, 27 нафарида аналогик фикрлаш даражаси ўртача, бу эса жами синалувчиларнинг 54 %, 11 нафарида аналогик фикрлаш даражаси паст, бу эса жами синалувчиларнинг 22 % ни ташкил этди.

Учинчи тест бўйича синалувчиланнинг натижажалари қуйидагича бўлди; 50 нафар синалувчидан 9 нафарида умумлаштириш даражаси юқори, бу эса жами синалувчиларнинг 18 %, 33 нафарида умумлаштириш даражаси ўртача, бу эса жами синалувчиларнинг 66 %, 8 нафарида умумлаштириш даражаси паст, бу эса жами синалувчиларнинг 16 % ни ташкил этди.

Синалувчиларнинг натижаларини қуйидаги гистограммада кўргазмали ҳолда келтирамиз



Хулоса қилиб айтиш мумкинки, учта тест бўйича ҳам натижалар бир бирига яқин бўлди, Албатта бундай натижанинг бўлиши табиий хол ҳисобланади. Чунки, ҳар учала тест ҳам тафаккурнинг у ёки бу операциялари шаклланганлигини аниқлаб беради. Тафаккур операциялари эса бир бирлари билан узвий боғлиқдир.

III-БОБ. ЎСМИР ЎҚУВЧИЛАР БИЛИШ ФАОЛЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПСИХОЛОГИК ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

III.1. Ўқув жараёнида мустақил ишлар орқали ўсмирларни билиш фаоллигини шакллаштириш

Маълумки, ўқитишнинг асосий шакллари синфхоналарда ўтказилади. Уларни ташкил этиш мавзулар мураккаблиги даражасига, бериладиган ахборот миқдорига кўра аввалдан режалаштирилади, ўқув соатлари ажратилади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш амалиёти синфдан ташқарида ўтказилсада, унга ҳам аввалдан соатлар белгиланади.

Билим олиш, махсус малакага эга бўлиш, ўсмирларни дунёқарашини шакллантиришда синфда ўтиладиган дарслардан ташқари ўсмирлар томонидан бажариладиган мустақил ишлар катта роль ўйнайди. Айниқса ҳозирги ахборот асрида борган сари, бир томондан ахборот миқдори, янгиликлар ортиб борса, иккинчи томондан, ахборот олиш манбалари ранг-баранглашиб боради. Уларнинг аҳамияти янада ортиб боради.

Ўсмирлар мустақил ишини ташкил қилиш шакллари турлича бўлиб, уларни бир қисми ўқув кўзда тутилган бўлиб, уни ҳар бир ўсмир бажариши шарт бўлса, иккинчи қисми ихтиёрий, яъни ўсмирлар ўз хоҳишлари билан бажаришлари мумкин.

Биринчи гуруҳга адабиётларни конспект қилиш, дарсларга тайёргарлик ва бошқа шунга ўхшашлар киритилса, иккинчи гуруҳга эса тўғарақларда қатнашиш кабиларни ўз ичига олади.

Борган сари ортиб борадиган мустақил тайёрланиш вақтини самарали бўлишини таъминлашда икки нарсага диққат қаратиш керак:

- а) мустақил иш ўқишнинг, ақлий меҳнатининг алоҳида тури;
- б) мустақил иш бажариш катта аҳамиятга эга.

Келажакда унинг аҳамияти яна ҳам ортиб боради. Сабаби у ўсмирнинг келажакда малакали мутахассис сифатида шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Ахборотнинг асосий қисмини ўсмир мустақил равишда олади. Айниқса интернетнинг кириб келиши билан унинг доираси янада кенгайди.

Мустақил ишни ташкил этишнинг энг муҳим хусусияти шундаки, уни талабининг ўзи мустақил равишда ташкил қилади. Шунинг учун ўсмирга уни режалаштириш, вақтини рационал тақсимлашга ёрдам бериш лозим.

Мустақил ишни ташкил этишнинг муҳим хусусиятларидан яна бири уни бажариш учун ўсмир ўзини-ўзи мажбур қилиши керак. Бунда ҳам субъектив омил асосий ўринда туради. Ўсмирларни мустақил ишини ташкил этишда ўқишни бошқа шаклларига ўхшаб умумий принциплари мавжуд. Мустақил ишни улар асосида ташкил қилиш керак. Мустақил ишни ташкил этишда энг аввало, оддий нарсага аҳамият бериш лозим. Бундай қараганда уни ҳамма билади, лекин кўпчилик унга амал қилмайди. Шунинг учун мустақил ишни ташкил этишни оддий элементар принципларини ўзлаштириш биринчи даражали аҳамиятга эга ва ана шу мураккаб жараёни тўлалигича қамраб олади.

Ҳар бир ўсмир ўзининг мустақил ишини ташкил этишни нимадан бошлаши керак? Қандай мақсад қўйилади? Иш қанча давом этади? Уни бажаришда қандай усуллардан фойдаланилади, аниқ кўз олдига келтира олишлари керак. Яна шуни ёддан чиқармаслик керакки, мустақил ишларни ташкил қилиш қоидалари ишлаб чиқилди дегани, бу ишни ташкил этилди дегани эмас.

Ўз мустақил ишини қандай бажаришни ҳар бир ўсмирнинг ўзи ташкил этади. Муваффақиятга эришиш учун ўсмирнинг ўзи сабр-тоқат билан, машаққатлардан қўрқмай ўз устида ишлаши керак. Буни ўсмирнинг ўзи режалаштиради ва амалга оширади.

1. Мустақил ишни бажаришни ташкил қилишнинг асосий принципи унинг мунтазамлигидир. Ўқув жараёнида қатий изчиллик ва кетма-кетлик мавжуд. Синфда олган билимини пухта бўлиши учун доимо уларга тайёрланиши керак. Бугунги дарсини яхши тушуниш ва ўзлаштириш учун, аввалги мавзу устида ишлаш керак. Масалани назарий жиҳатдан чуқур ўзлаштирамай туриб масала ечиш, амалда уни қандай намоён бўлишини тушуниш қийин. Ҳар қандай предметни уни мунтазам равишда ўрганилса

ўзлаштириш мумкин. Яхши ўқиш, мустақил ижодкор мутахассис бўлиш учун ўсмир ҳар куни мунтазам ўз устида ишлаши керак.

Ўз устида мунтазам ишлаш кўникмасини ҳосил қилиш учун мустақил ишларни қандай, қай тартибда бажаришни ҳар қандай меҳнатни, вақтни режалаштиргандай режалаштириш керак.

Ҳар бир ўсмир индивидуал тарзда умумий вақтини фанлар бўйича табақалаштирган ҳолда режалаштириши керак. Фанлар бўйича ажратилган вақт ўсмирни дарсга тайёрланиши, ўқув режаси бўйича фанни муваффақиятли ўзлаштиришга етарли бўлишини кўзда тутди. Ундан келиб чиқиб, ҳар бир ўсмир ўз ҳафталик режасини кунлар бўйича тузади. Мустақил ишларни режалаштириш юзаки қараганда ўсмирга ҳеч нарса бермаётгандай, ҳеч қанақа ёрдами ёқдай туюлади. Лекин тажриба шуни кўрсатадики, аёлчи ўсмирлар ўз вақтларини аниқ режалаштирадилар ва уни бажаришга ҳаракат қиладилар. Ўзлаштириш бўйича ҳатто бутун синф муваффақиятини ҳам кўп жиҳатдан ўсмирларни ўз вақтларини тўғри режалаштириш, уни бажариш билан боғлаш мумкин.

2. Мустақил ишларни бажариш муддати жиҳатидан хоҳлаганча давом этиши мумкин эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, 13-15 ёш даражасида меҳнатни ратсионал ташкил этганда бир суткада 8 соат унумли ишлаш мумкин экан. Ҳаддан ташқари узоқ ўтирадиган бўлса, меҳнат унуми пасаяди, одам чарчайди, кейинги кунлари чарчоғи ёзилиши қийин бўлгани сабабли, аввалгидай ишлай олмайди.

Шунинг учун мустақил ишни режалаштирганда синфда ўтказган вақтини ҳисобга олиши керак. Агар, синфда дарс соатлари 6 соат бўладиган бўлса, мустақил ишлаш 3 соат, синфда дарс ундан кам бўлса 3 соатдан кўпроқ, агарда кўп бўлса камроқ тарзда режалаштириш керак.

Шундай қилиб, ҳафталик мустақил иш бажариш вақти 22-24 соат атрофида бўлади. Албатта, бу вақт ўсмирни нормал тарзда диққат-етибор, ғайрат қилиб ишлашини мўлжаллаган ҳолда белгиланади. Лекин реал ҳаётда турлича бўлиши мумкин. Бир ўсмир ўзини зўрлаб дарс тайёрласа, иккинчиси

қизиқиб вақтини қандай ўтганини ҳам унутиб, предметни ўрганишга илҳом билан ижодий ёндашиб киришиб кетади. Учинчиси эса умуман дарс тайёрлагиси келмайди. Бунга қатор объектив ва субъектив сабабларни келтириш мумкин.

3. Мустақил ишни ташкил қилишнинг иш тартибини белгилаш катта аҳамиятга эга. Мустақил ишларни бажариш учун вақтни семер давомида кунлар бўйича тақсимлаш, уни ратсионал ташкил қилишнинг муҳим принципи, қоидаси ҳисобланади. Гоҳ умуман дарс тайёрламай, гоҳ ҳаддан ташқари шошиб, шиддат билан, айниқса имтихонга яқин бажармаган ишларни тезда бажаришга ҳаракат қилиши ижобий натижа бериши қийин. Бу ўсмирнинг меҳнати самарадорлигини, қилган ишидан қониқиш ҳиссини пасайтиради. Одатда ўсмирнинг кун тартибини дарс жадвали белгилайди. Лекин кўп нарса ўсмирнинг ўзига ҳам боғлиқ.

Ўқув фаолияти мотивларини шакллантириш, ўсмир мустақил таълимни ривожлантириш тартибсиз, режасиз амалга оширилиши мумкин эмас, шу боисдан ушбу жараёни бошқаришни ўқув йилининг дацлабки дақиқаларидан ривожлантириш лозим, чунки шахс улғайган сари унинг ўқув фаолияти мотивлари ҳам ўзгариб боради.

Шахснинг ижтимоий маъсул эканлиги, унинг онги ва тафаккурининг ўзгарувчан ижтимоий шарт-шароитларга мослашуви, жадал ва тезкор ўзгарувчан билиларни тақазо этувчи юксак ахлоқий, ҳуқуқий нормаларни ўзлаштириш ва унга амал қилишни талаб этади. Илмий ахборот оқимининг шиддат билан ўсиб бораётганлиги шунга олиб келмоқдаки, йил сайин ортаётган илмий маълумотларни ўзлаштириш учун таълим муассасаларининг имкониятларининг чекланганлиги таълим жараёнида мустақил таълимни тадбиқ этиш заруриятини туғдирмоқда. Илғор педагогик технологиялар тизимида ўувчиларнинг мустақил, ижодий тафаккури ва уни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Тафаккур” журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоб берар эканлар, шунини алоҳида

таъкидлаб ўтдилар: “Агар болалар эркин фикрлашга ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта билим керак, аммо билим ўз йўлига, мустақил фикрлаш эса катта бойликдир. Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юртиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат эканлигини кўпинча яхши тушунамиз, лекин малда тажрибамизда унга амал қилмаймиз”.

Мустақил ишлаш замирида ўрганилаётган материалларни умумлаштиришга эришиш, аниқ далил, ходиса воқеаларни, уларнинг орасидаги ўзаро алоқадорликни мустақил таҳлил этиш ва умумлаштириш, ўқувчиларда ҳосил бўлган малакаларни шакллантиришда катта роль ўйнайди. Энг асосий масала шундаки, ҳар қандай услуб ўқувчига таълим бериб, унинг амалий жиҳатдан ривож ва камол топишига хизмат қилсин. Шундай экан, бугунги кундаги дарсга қўйиладиган талабларнинг асоси унинг ижодий, изланиш ва тадқиқот характерида эканлиги, муомала аспектда бўлиши, ўзлаштриладиган билимни ўқувчи томонидан фаолиятида қўлланилишидир.

Мустақил иш турлари ўқитувчи томонидан пухта ўйланган, маълум мақсадга йўналтирилган ва режа асосида уюштирилиши лозим. Бунда ҳар бир ўқувчининг имконияти ҳисобга олинади. Топшириқлар тез, тўғри бажарилиши учун қулай шароит яратилиши керак. Мустақил иш натижаларини ҳамisha текшириш лозим. Ўқувчининг қўлга киритган ҳар бир ютуғи рағбатлантирилса, унинг қизиқишлари тобора ортиб боради, у янги иш турларини амалга оширишга киришади. Ўқувчиларнинг мустақил ишлаш малакаларини шакллантириш учун қуйидагиларга амал қилиш лозим:

1. Топшириқлар ўқувчилар имкониятларига мос бўлиши керак.
2. Иш осондан қийинга, соддадан мураккабга қараб йўналштириш, ўқувчига тушунарли бўлиши.

Бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш ва ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришдир. Чунки дарсда ўқувчилар фаоллиги ва ҳозиржавоблигини ошириш учун ўқитувчи уларни мустақил фикрлаш ва мустақил ишлашга

тайёрлаш керак. Дарсни ижодий шаклда ташкил этиш, мустақил ишларни уюштириш билан бевосита боғлиқ бўлиб, ўқувчиларда мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантиради. Шунингдек, дастлабки даврда ўқувчи мустақил ишлашга анча қийналиши сабабли, ўқитувчи тўғри ва аниқ йўлланма бериши керак. Шундай экан ҳар бир дарсда ўқувчиларнинг билим олишга интилиши ва қизиқишини кучайтиришга, ўз билимларини мустақил тўлдириш кўникмаларини яхшилашга, эркин фикрлашга қаратилиши даркор.

Мустақил фикрлаш қобилиятини ошириш, мустақил таълим олиб боришга маълум педагогик мақсад қаратилиши керак, яъни: билим бериш ва билимни текшириш. Оғзаки нутқни ўстиришда дидактик материалларнинг аҳамияти катта, бунда ўқувчиларнинг кузатувчанлиги, нутқий ривожланиши ва тафаккурини ўстириш билан ўзаро боғлиқ омилларга эътиборни қаратиш лозим бўлади. Чунки ўқувчилар фақат ўқитувчининг раҳбарлигида эмас, балки ўзлари ҳам мустақил ишлашга ўрганиб борадилар, масалан, ўқитувчи хорижий тилни ўқитишда янги мавзу ҳақида тушунча беради ҳамда ўқувчилардан синоним ёки антоним сўзларни топишни талаб этади.

Ўқувчиларнинг ижобий фаолияти жараёнида бажариладиган ишлар, яъни уй вазифалари, конспект, материаллар баёни ва топшириқлар устида ишлаш муаммоли вазифани яратади. Бу эса яна бир бор мустақил фикрлашнинг муҳимлигини таъкидлайди. Демак, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш ва мустақил таълим орқали билимини ошириш учун куйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

1. Таълим жараёнида ўқувчиларда зийраклик ва қабул қилиш кўникмаларини шакллантириш.
2. Таълим жараёнида ўқувчиларда мустақил жараён қизиқишини ошириш.
3. Таълим жараёнини аниқ мақсадга қаратиш ва уни мустаҳкамлаш.
4. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ошириш мақсадида фан тўғаракларини ташкил этиш.
5. Таълим жараёнида мустақил таълимдан кенг фойдаланиш.

Юқорида кўриниб турибдики мустақил таълим ўсмир ўқув фаолиятида муҳим босқичлардан бири ҳисобланиб ўсмирларнинг билишга қизиқишини ошишига имкон яратади.

III.2. Ўқувчилар билиш фаоллигини ривожлантириш усуллари

Ўсмирлар билиш фаоллигини янада ривожлантириш учун уларда ҳамма вақт системали равишда мантиқий тафаккур усуллари таркиб топтириш зарур. Биз билиш фаоллигининг ўсига таъсир этувчи усуллардан айримларига қисқача тўхталишни мақсадга мувофиқ топдик. Қуйила уларнинг шаклланиши юзасидан қисқача маълумот бериб ўтамиз:

1) “Контробразлар” усули (ўқувчидан мустақилликни ва фаолликни талаб қилади); 2) Топшириқ ечимини “тезлаштирувчи” усул (“савол-жавоб” методига ўхшаш); 3) Чуқур анализ қилиш усули (объект ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинади); 4) “Ижодий” мулоҳаза усули (муаммоли вазиятни ҳал этишда хизмат қилади); 5) “Ихчамлашган” фикр юртиш усули (шаклланган кўникм ва малакаларга асосланади); 6) Умумлашган мантиқий фикр юритиш усули.

Кузатишлар ва ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, билиш фаоллигининг мактаб болаларида тез ривожланиши учун яна бошқа омиллар ва усуллар ҳам ёрдам бера олиши мумкин экан. Лекин юқорида санаб ўтилган усулларни билиш фаоллигидан алоҳида равишда, унинг шакл ва операцияларидан ажралган ҳолда ақлий фаолиятда вужудга келади деб ўйламаслик керак.

Таълим жараёнида “контробразлар” ёрдамида топшириқ бажарилганда масала ва мисолларни ечиш ҳолати анча осонлашади. Шунинг учун бу ўқув иши усулини шакллантириш мақсадида айрим психологик ҳолатларни кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Бу усул ўсмирлар билиш фаоллигини ривожлантиришда муҳим фаоллаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Юқорида қайд қилиб ўтилган усул кўпгина педагог ва психологларнинг илмий тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Лекин бу

ўринда контробразлар устида ўтказилган ишлар таҳлилига тўхтаб ўтишни ортиқча деб ҳисоблаймиз. Таълим жараёнида ундан ўқитувчи қандай фойдаланиш кераклиги тўғрисида маълумот берамиз.

“Контробразлар”ни шакллантириш ёки ўқувчилар онгига етказиш қўйидагича амалга оширилади: вазифанинг фойдаланишини (қоида, қонун, ҳосса, масао ва мисол кабилар) англаб етиш, унинг ечимини қидириб топиш ўқувчилар зиммасига юклатилади ва муаммо шу ҳолда тўлалигича ҳал қилинади. Ўқитувчи бевосита шу жараёнда иштирок этса ҳам, бироқ ўқувчиларга ёрдамчи (йўналтирувчи) саволлар олрқали йўлланма беришни ўз олдига вазифа қилиб қўймайди. Аммо ўқитувчи ахён-ахёнда нарса ва ходисаларнинг контробразларини кўрсатиш билан чегараланади, яъни мазкур нарсаларнинг конкрет образларини эмас, балки унга қарама-қарши образларни намойиш қилади. Бу ўринда “қарама-қарши” сўзлар мутлақо зид маънода ишлатилмай, балки кўчирма маъносида қўлланилади.

Таълим жараёнида “контробразлар” усулини қўллаш, биринчидан, болаларда мустақил билиш фаоллигини оширади; иккинчидан, билиш фаоллигини ўстиради; учинчидан масаланинг ҳал этилишини осонлаштиради. Бу усулни қўллаш пайтида ўқитувчи ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, билим фондини, муаммо даражасини, яъни унинг мураккаблик даражасини аввалдан текшириш (билиши) ва дарс давомида уларга риоя қилиб бориши яхши натижа беради.

Топшириқ ечимини тезлаштирувчи усулни таркиб топтириш жараёни ҳар бир ўқитувчининг кундалик фаолиятида тез-тез учраб туради, лекин бу вазифа ниҳоясига етказилмай қолиб кетади. Бу усул ҳақиқатдан ўқувчилар олдига қўйилган масалани тезроқ ҳал қилишга етаклайди. Шунинг учун ўз номи билан биз уни “тезлаштирувчи” усул деб атадик.

Шунингдек, таълим жараёнида ўқувчиларнинг билиш фаоллигини шакллантиришда педагогик технологияларни қўллаш ҳам яхши натижа беради. Маълумки сўнгги йилларда таълим жараёнига янгича технологиялар тадбиқ этила бошлади. Бундай технологиялар дарсда ўқувчиларга фан

асосларини тушунтириш учунгина қўлланилмайди. Унинг энг муҳим жиҳати ўқувчиларнинг билиш фаоллигини шакллантиришдир. Ўқувчиларнинг билиш фаоллигини шакллантириш мақсадида психологлар турли усулларни қўллаш мумкинлигини эътироф этганлар.

Психолог В.М.Каримова дарсда ўқувчиларнинг билиш фаоллигини оширишда монолог, диалог, полилог шаклидаги дарснинг аҳамиятини очиб берган. Диалог - мавзунини гуруҳ шароитида ўқитувчи билан биргаликда ва ҳамкорликда муҳокама қилиш йўлидир. Шунинг учун бу усул ўқувчиларни нафақат фаоллаштиради, балки аудиторияда ижодий муҳитнинг бўлиши ва фикрлар алмашинувидан ҳар бир иштирокчининг манфаатдорлигини таъминлайди. Яъни, тингловчилар ўқув жараёнининг объектидан унинг субъектига айланадилар.

Диалог жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасида фикрлар алмашинуви, билимларни ўзаро муҳокама қила олиш учун реал шароит яратилади.

Полилог эса - гуруҳ ичидаги мунозарадир. У ўқувчиларнинг фаоллигини янада ошириш, улардаги ижодий қобилиятларни ривожлантириш мақсадида ишлатилади. Полилог жараёнида гуруҳ аъзоларининг ҳар бири муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз фикрини билдириш имкониятига эга бўлади, ўқитувчи эса ушбу жараённинг ташкилотчи сифатида ўқувчилар ёки талабалар фаолиятига бевосита аралашмайди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, мунозарани самарали ташкил этиш қобилияти ўз-ўзидан шаклланимайди, бунинг учун ўқитувчи умуман мунозара методикаларининг моҳияти ва уни ташкил этиш йўллари илмий - амалий жиҳатдан билиши талаб этилади.

Хулоса қилиб айтганимизда, дарсда ўқувчиларнинг билиш фаоллигини шакллантиришнинг хилма хил усуллари мавжудки, уларни ўз ўрнида қўллаш ва натижаларга эришиш албатта ўқитувчининг салоҳиятига, педагогик қобилиятларига ва албатта ўқувчиларда ўқув мотивларининг шаклланишига боғлиқ бўлади.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Психика ва онгнинг фаолиятда ривожланиши принципи шуни англатадики, психика агар фаолият самараси ва ривожланиш маҳсули сифатида қараладиган бўлсагина, у тўғри тушунилиши ва айнан бир хил тарзда изоҳлаб берилиши мумкин. Бу принцип психологлар П.П.Блонский, Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев каби олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

Ўсмирлик даврида билиш фаоллигини шакллантиришнинг психологик хусусиятлари мавзусидаги битирув малакавий ишимиз юзасидан олиб борган назарий изланишларимиз ва амалий тадқиқотларимиз жараёнида ўсмирлик даврида билиш фаоллигини шакллантиришда буюк аждодларимиз илмий қарашлари, ўқувчилар билиш фаоллигини шакллантириш усуллари кабиларни таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

- Ўсмирлар ўқув фаолиятига ижтимоий психологик таъсирлар уларни ўз-ўзини идрок қилиши ва ўқишга муносабат мотивларини шакллантиришга асос бўлади.
- Ўсмирлик даври ўқув фаолияти ва билиш фаоллигини ривожлантиришда психологик омиллар билан бирга ижтимоий омиллар таъсири ҳам мавжудлиги тасдиқланди.
- Билиш фаоллиги ўсмирлар қизиқишлари ва эҳтиёжларининг ёшга хос психологик хусусиятларига боғлиқ ҳолда шаклланади. Бунга уларнинг ўқув мотивлари, иқтидори ва уларнинг ривожлантириш учун таъсир этувчи омиллар муҳим рол ўйнайди.
- Ўсмирлар фаолиятида уларнинг муносабат ва билиш жараёнларини чуқур ҳамда мукамал ўрганмасдан туриб, психологик таъсир воситаларини қўллаш мумкин эмас.
- Ўсмирлар ўқув фаолиятида билиш фаоллигини шакллантириш тартибсиз, режасиз амалга оширилиши мумкин эмас, шу боисдан ушбу жараённи бошқаришни ўқув йилининг дастлабки дақиқаларидан ривожлантириш лозим.

ТАВСИЯЛАР

- Таълим-тарбия жараёнида ўсмир ўқувчиларнинг билиш фаоллигини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки айнан шу даврда тафаккурнинг сифатлари таркиб топади. Бу эса ўқитувчиларни масъулиятини янада оширади.

- Ўсмирлар билиш фаоллигини шакллантириш учун энг аввало психодиагностик воситаларни қўллаган ҳолда улардаги билиш жараёнларининг ривожланиш даражасини аниқлаш ва шунга мувофиқ ривожлантирувчи психологик усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

- Ўсмир ўқувчиларга бериладиган ўқув материалларининг ҳажми катта бўлгани учун ҳам уни эслаб қолиши ёки бир неча мартаба такрорлаш йўли билан ўзлаштириши қийин. Шунинг учун, албатта ўқувчи ўқув материалларини мазмунини таҳлил қилиши ундаги мантиқий тузилишни билиши муҳим.

- Ўсмир ўқувчиларнинг психологик хусусиятларини билиш, уларга индивидуал ёндошиш, ҳар бир болада шахсни кўра билиш, уни ҳурмат қилиш ҳамда тан олиш орқали ўқув тарбия ишларини режалаштириш ва олиб бориш бугунги кун ўқитувчисининг асосий иш мазмунини ва моҳиятини ташкил этиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. – Т., 1997. 29 август.
2. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. – Т., 1997. 29 август.
3. «Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли қарори.
4. «2010 йилгача бўлган даврда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги 400-сонли қарори.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999.– 351 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
9. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: Шарқ, 1999.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
11. Ал-Фараби. Историко-философические трактаты.–Алма-ата:Наука, 1985.–С.18
12. Давлетшин Г.М. Таълимнинг психологик асослари. Тош. 1990 й.
13. Каримова В.М. Психология. Ўқув қўлланма. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, “ЎАЖБНТ” маркази, 2002. – 205 б.

14. Каримова В.М. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт: Университетлар ва педагогика институтлари учун ўқув қўлланма. – Т.: “Университет”, 1999. – 96 б.
15. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Маърузалар матни. – Т.: ТДИУ, 2005. – 208 б.
16. Каримова В.М. Ижтимоий психология асослари. – Т.: 1994.
17. Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. Т., 2000.
18. Каримова В.М. ва б.қлар. Муцақил фикрлаш. — Т., 2000.
19. Каримова В., Суннатова Р. Мустақил фикрлаш бўйича машғулотларни ташкил этиш юзасидан услубий қўлланма - Т., 2000.
20. Умумий психология. А.В.Петровский таҳрири остида. "Ўқитувчи", Т., 1992.
21. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. Тошкент. "Ўқитувчи". 1990.
22. Ғозиев Э.Ғ. Психология. Т., 1994 й.
23. Ғозиев Э.Ғ. Олий мактаб психологияси. Т., 1997 й.
24. Ғозиев Э.Ғ. Тафаккур психологияси. – Т., 2001.– 241 б.
25. Ғозиев Э.Ғ. Хотира психологияси. – Т., 2000.– 254 б.
26. www.inetlibrary.com. Internet-kutubxona
27. www.ziyonet.uz
28. www.google.uz
29. www.expert.psychology.ru
30. www.psychology.all.ru
31. www.psychology.net.ru
32. www.psy.piter.com